




DVV International

Education for Everyone. Worldwide.  
Lifelong.

# Катталар таълими ва ўқиши глобал дастури

Curriculum  
globALE



German Institute for  
Adult Education  
Leibniz Centre for  
Lifelong Learning

**Published by:**

Institut für Internationale Zusammenarbeit  
des Deutschen Volkshochschul-Verbandes e. V. (DVV International)  
Obere Wilhelmstraße 32, 53225 Bonn  
Federal Republic of Germany

Tel.: +49 (0) 228-97569-0, Fax: +49 (0) 228-97569-55  
[info@dvv-international.de](mailto:info@dvv-international.de), [www.dvv-international.de](http://www.dvv-international.de)

Deutsches Institut für Erwachsenenbildung  
Leibniz-Zentrum für Lebenslanges Lernen e. V. (DIE)  
Heinemannstraße 12-14, 53175 Bonn  
Federal Republic of Germany

Tel.: +49 (0) 228-3294-0, Fax: +49 (0) 228-3294-399  
[info@die-bonn.de](mailto:info@die-bonn.de), [www.die-bonn.de](http://www.die-bonn.de)

Bibliographic information published by Die Deutsche Bibliothek.  
The Deutsche Nationalbibliothek lists this publication in the  
Deutsche Nationalbibliografie; detailed bibliographic data is  
available at <http://dnb.ddb.de>

ISBN 978-3-942755-24-5

© 2015 DVV International, DIE

Authors (2nd Edition):  
Maja Avramovska, Tania Czerwinski, Susanne Lattke

Translation into Uzbek:  
Uchqun Khamutov, Khamidakhon Khakimjonova, Nodir Rakhimov  
(DVV International)

Layout:  
Gastdesign.de, Visuelle Kommunikation

Муаллифлардан .....	4
---------------------	---

## A Curriculum globALE ўқув дасутрига кириш .....5

1. Curriculum globALEнинг қисқача тавсифи .....	5
2. Curriculum globALE дастури қай тарзда ишлаб чиқилган? – манбалар ва ишлаб чиқиш методлари .....	7
3. Curriculum globALE ўқув дастурининг глобал жиҳатлари юзасидан айрим мулоҳазалар .....	9
4. Curriculum globALE ва хуқуқни ҳимоя қилиш ёндашуви .....	11
5. Curriculum globALE тамойиллари .....	13
6. Curriculum globALE шарҳи .....	12
7. Curriculum globALE ўқув дастурини амалга ошириш бўйича тавсиялар ..	17
8. Сифатни таъминлаш ва мониторинг .....	20
9. Муаллифлардан миннатдорчилик .....	23
Адабиётлар .....	24

## B Модуллар тавсифи .....25

0-Модул: Кириш .....	25
1-Модул: Катталар таълимига ёндашув .....	27
2-модул: Катталар ўкиши ва катталар аудиториясига дарс бериш .....	30
3-модул: Катталар таълимида коммуникация ва гурӯҳ динамикаси .....	33
4-модул: Катталар таълими методлари .....	36
5-модул: Катталар таълим олишини режалаштириш, ташкил этиш ва баҳолаш .....	39
Факультатив модул(лар): Турли мавзу(лар) .....	42

## DIE ва DVV International ҳақида .....43

# Муаллифлардан

Ушбу нашрда бутун дунё бўйича катталар таълими соҳасида фаолият олиб бораётган ўқитувчиларнинг малякасига қўйиладиган таянч меъёрларини белгиловчи Curriculum globALE дастури тақдим этилган. Барча қитъяларни қамраб олган маълумотларни тақдим этган Curriculum globALE глобал курси ўз мақсадларига кўра ноёб бўлиб, халқаро миқёсда катталар таълими соҳасининг профессионаллашувига кўмаклашувни ўзида мужассамлаштиради.

Катталар ўқиши ва уларга таълим бериш ҳаёт давомида таълим олишнинг муҳим қисми бўлиб ҳисобланади ва ҳозирги замонда бундай таълим бутун дунёдаги одамлар ва жамият дуч келаётган масалаларни ечишда муҳим рол ўйнамоқда. ЮНЕСКОнинг катталар таълими бўйича 2009 йил декабрда ўтказилган олтинчи Халқаро конференциясида (CONFINTEA VI) қабул қилинган «Белен ҳаракатлар меъёри»да айтилишича, «Катталар ўқиши ва уларга таълим бериш одамларга ўз ҳақ-хукуқларини ривожлантириш ва рўёбга чиқариш ҳамда ўз тақдирларининг эгалари бўлишлари учун зарур билимлар, малакаларни эгаллаш, фазилат ва қадрияларни қарор топтиришга имконият яратади. Шу билан биргаликда катталар ўқиши ва уларга таълим бериш адолат ва инклюзивликка эришиш, қашшоқликнинг қўламини камайтириш ва саводхонликка асосланган адолатли, бардошли ва барқарор жамият яратиш учун мутлоқ зарурият бўлиб ҳисобланади» (ЮНЕСКО 2009).

Бироқ катталар таълимими тўлиқ амалга ошириш учун у тегишли касбий компетенцияларга эга бўлган одамларга таяниши керак. Одатда мактабларда болаларга дарс берадиган ўқитувчилар ўқитувчилик фаолиятини бошлашдан аввал кўпинча университетларда касбий тайёргарлиқдан ўтадилар, катталарга дарс берадиганлар учун эса бу кўп ҳолларда унди эмас. Шунинг учун катталар таълими соҳасини профессионаллаштириш алоҳида мамлакатлар даражасида ҳам, халқаро миқёсда ҳам бутун дунёда асосий муаммо сифатида қабул қилинади. «Белен ҳаракатлар меъёри» бу соҳадаги асосий вазифалардан бири ҳисобланганг катталар таълими соҳасида иш олиб борадиган мутахассисларнинг касбий малакаларини ошириши белгилайди ва куйидагиларни қайд этади: «Касбий маҳоратнинг талаб даражасида бўлмаслиги ва педагогларни тайёрлашга имкониятларнинг етишмаслиги катталарни ўқитиши ва уларга таълим бериш дастурларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади. (...)» (ЮНЕСКО 2009). Катталар таълими бўйича 150дан ортиқ мамлакатлар томонидан конференцияга тайёрланган маърузаларнинг учдан бир қисмida малакали ходимларнинг етишмаслиги ҳақидаги эслатмалар ўрин олган бўлиб, бу масала ҳал қилиниши учун чоралар кўрилиши керак бўлган йирик муаммолардан бири эканлиги акс эттирилган. (Ҳаёт давомида таълим олиш бўйича ЮНЕСКО институти/UIL/2009).

Ушбу ҳолатга ЮНЕСКОга аъзо давлатларнинг жавоби шундай бўлди-ки, CONFINTEA конференциясида қабул қилинган бошқа қарорлардан ташқари “катталар билан иш олиб борадиган педагогларнинг масалан, олий ўкув юртлари билан ҳамкорлик алоқалари, ўқитувчилар уюшмаси ва фуқаролик жамияти ташкилотлари воситасида тайёргарлигини, салоҳиятни ошириш, ёлаш шартлари ва касбий маҳоратини такомиллаштириш” мажбуриятларини ўз зиммаларига олди (ўша жойда).

ЮНЕСКО – катталар учун ўқитувчиларнинг касбий ривожланиши муҳимлигини илгари сураётган ягона ташкилот эмас. Евropa иттифоқида катталар таълими соҳасини профессионаллаштириш мавзуси кўп йиллар мобайнида Евropa комиссиясининг катталар таълимига бағишлиланган (Евropa комиссияси 2006), бир йилдан кейин (Евropa комиссияси 2007) ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилган, шунингдек 2011 йилдаги Евropa кенгашининг катталар таълими бўйича янгиланган Евropa Дастурлари (Евropa кенгаши 2011) биринчи баёнотидан сўнг сиёсий доира-ларда тобора ўсиб бораётган эътиборни жалб қилиб келмоқда. Шундан бўён, кўплаб лойиҳалар, компетенцияларга қўйиладиган талабларни аниқлаш учун миллий ва трансмиллий ҳамкорлик дастурлари, катталар таълими ва касбий таълим соҳасидаги ўқитувчилар учун стандартларни белгилаш ва таълимий имкониятларини ривожлантириш бўйича ишлар бошланди. (Масалан, касбий таълимни ривожлантириш бўйича Евropa маркази – CEDEFOP 2013).

Бу ишланмалар қуида тавсифланган Катталар таълими бўйича Германия институти – Лейбниц номидаги Ҳаёт давомида таълим олиш Маркази (DIE) ва Халқ университетлари немис ассоциацияси халқаро ҳамкорлик институти (DVV International)нинг университетдан ташқари секторда катталарни ўқитишининг таянч тамойилларига асосланган, миллатлараро миқёсда фойдаланишга тўғри келадиган ва халқаро илмий стандартларга мувофиқ бўлган катталар учун ўқитувчиларни тайёрлаш, ўкув дастурларини тайёрлаш ва тарқатиш бўйича ҳамкорликдаги лойиҳаси асосида ётади. Curriculum globALE дастури ушбу ташаббуснинг натижаси бўлди. Curriculum globALE дастурининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- умумий дастлабки меъёрларни тақдим қилиш орқали катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш;
- катталар учун таълим хизматларини кўрсатувчи ташкилот/муассасаларга тренерлар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам кўрсатиш;
- бутун дунёдаги катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг билиmlарни алмашиб ва ўзаро ҳамжиҳатлик ўрнатишларига кўмаклашиш.

Нашрнинг А бўлимида Curriculum globALE ўкув дастурига тўлиқ кириш ёритилган бўлиб, дастурнинг энг муҳим жиҳатлари (A1) бўйича қисқа тавсифлари берилган. Кейинроқ ўкув дастурини тузишга асос қилиб олинган энг муҳим манбалар келтирилади ва уни ишлаб чиқишининг методологик тартиби (A2) баён қилинади. A3 – A5 бўлиmlар Curriculum globALE ўкув дастурининг умумий тамойиллари тавсифига бағишлиланган. Компонентлар ва тузилмалари A6 бўлиmdа батафсилроқ баён қилинган. Кейинги (A7) бўлиmdа ўкув дастурини амалиётда қўллашнинг турли жиҳатлари ҳақида батафсил ёритилган. А бўлиmi Curriculum globALE дастури учун мониторинг ва сифатни баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган умумий меъёрларни баён қилиш (A8) билан якунланади.

Ўкув дастури модулларининг тўлиқ тавсифи нашрнинг иккинчи қисмida баён этилган.

## 1. Curriculum globALE қисқача тавсифи

Curriculum globALE (CG) – бу модулли меъёрий ўқув дастури бўлиб, бутун дунёда катталар таълими учун ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича компетентлилик ёндошувига асосланган. Бу комптенцияларга жавоб берадиган малака даражаси, катталар таълими соҳасида мутахассисларнинг таянч малака даражасини белгилайди. Асосий ихтисослий йўналиши сифатида, асосан таълим бериш соҳасида ишлайдиган мутахассис олинган. Бошқача сўз билан айтганда, ўқув дастурларида ёзилган таълим беришнинг якуний натижалари курс ўқитувчилари, тренерлар, маърузачилар ва ҳ.к. ўз ишларини юқори маҳорат билан бажаришлари учун зарурый шароит сифатида эгаллашлари керак бўлган малака даражасини ташкил этади. Европа малака меъёrlари (EPK)га мувофиқ, ўқув дастури ЕММ<sup>1</sup>нинг таҳминан 5-даражасига мос келади, деб ҳисобланади.

Таълимнинг якуний натижалари барча мамлакатлар учун бир хилдаги ва ўзгартириш мумкин бўлмаган ўқув дастурларининг ядроини белгиловчи стандартларни ҳосил қиласди. Шу маънода Curriculum globALE катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг асосий метакомпетенцияларини ўз ичига олган ўқув дастури сифатида ҳам қаралиши мумкин: ўқув дастурида белгиланган таълимнинг якуний натижалари катталарга таълим берувчи барча ўқитувчилар қайси географик, институционал ёки фан йўналишида иш олиб боришидан қатъий назар эгаллашлари керак бўлган айнан шу компетенцияларни англатади.

Curriculum globALEни амалга ошириш таълими курсларни ўтказишни англатиб, унинг доирасида иштирокчилар эълон қилинган компетенцияларга эга бўладилар. Таълими дастурларнинг формати ва характеристи-баъзан сезиларли даражада - маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб ўзгариши мумкин. Дастурни амалга оширишни қўллаб-қувватлаш учун модулларнинг тавсифномасида таълимнинг режалаштирилган натижаларига қандай эришиш мумкинлигини акс эттирувчи индикаторлар ўрин олган. Шу мақсадлар учун ҳар бир модулнинг тавсифи (мазкур нашрнинг В бўлимида) таълим бериш натижалари ва компетенциялардан ташқари кўйидаги компонентлардан ташкил топади:

- таълимнинг белгиланган якуний натижаларига эришишда кўмак берадиган ўз-ўзини таҳлил қилиш учун мавзулар ва саволлар;
- мустақил ўқиши ёки дарсларда қўллаш учун тегишли адабиётлар рўйхати;
- методологик дидактик амалга ошириш бўйича тавсиялар;
- алоҳида модуллар учун вақт меъёrlари бўйича тавсиялар<sup>2</sup>.

Шу тарзда модулларнинг тўлиқ тўплами мос келувчи ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш учун асосни таъминлаши ва бу орқали катталарга таълим берувчи ўқитувчилар зарур компетенцияларни ривожлантира олишлари керак. Чунки, шундай бўлсада, мақсадли гуруҳларнинг ўзига хос эҳтиёжлари ва контекстуал шарт-шароитлари худуд, муассаса ёки соҳага боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқ қиласди, юқорида санаб ўтилган элементлар (мавзулар, таклиф этилган адабиётлар ва дидактик методлар) кўпроқ тавсиявий хусусиятга эга бўлади. Улар аниқ қўлланиш шароитларига мувофиқ ҳолда ўёки бу даражада ўзгартирилиши мумкин. Шундай қилиб, ўқув дастури ўзида алоҳида таълим дастурларини ишлаб чиқишга асос сифатида олиниши мумкин бўлган моделни мужассам қиласди. Мазкур дастур ўқув фанлари, материаллар, услублар ва шакли нуқтаи-назаридан аниқ қўлланиш шартларига мувофиқ, шунга қарамасдан бунда эгалланадиган компетенциялар битта умумий стадартга мос келган ҳолда фарқланиши мумкин.

Алоҳида модулларни ўқиганлик тўғрисидаги CG сертификатлар барча курслар каби компетенциялар стандартига эришилгандан кейин, яъни таълим олувчилар дастурда кўрсатилган компетенцияларни эгаллаш боришиларига кўра берилиши мумкин. Мазкур компетенцияларга CG курсларни тутатганлиги бўйича ҳам, шунингдек аввалги таълим натижаларига кўра ҳам эга бўлиш мумкин. Аввалги таълимнинг тан олиниши Curriculum globALE ўқув дастурларига асосланган таълим мазмунини алоҳида эҳтиёжлар учун мослаштиришга қўшимча имконият яратади: Curriculum globALE қамраб олган компетенцияларнинг бир қисмини аввалдан эгаллаган иштирокчилар, аввалги таълимини тан олиниши туфайли таълимнинг муайян қисмидан озод этилишлари мумкин. Аввалги таълимини тан олиш учун иштирокчининг компетенциясини аниқлаш ва расмийлаштиришни таъминловчи восита ва тартиблар адолатли ва шаффоф бўлиши талаб этилади. CG ўқув дастурлари ташкилотчилари қандай сабаб бўлишидан қатъий назар ҳар доим ҳам аввалги таълим тажрибасини тан олиш имкониятига эга бўлавермайди.

1. Европа малака меъёrlари (ЕММ)нинг 5-даражаси таҳминан бакалаврлик даражасидан паст бўлган университетнинг қисқа муддатли ўқув дастурларига мос келади (ЕММ нинг 6-даражасига мос келади). (Европа парламенти/Европа иттифоқи кенгаши 2008). ЮНЕСКОнинг Таълимнинг халқаро стандартлаштирилган классификацияси (МСКО) 2011 йилдаги версиясига мувофиқ ўқув дастури ҳам 5 даражага киритилади. Қисқа муддат давом этиши ва ўқув юкламаси жаммининг камлиги, Curriculum globALEга асосланган тренинг дастурлари ўз ҳолица МСКОнинг 5-даражасига мос келиши мумкин эмас. Бироқ, мазмунининг мураккаблиги мезонини ҳисобга олиб, шундай бўлсада CG ўқув дастурлари МСКОнинг 5-даражасига ўқиганликка тенглаштирилиши мумкин (ЮНЕСКОнинг статистика институти).

2. Ушбу тавсиялар фақат мисоллардангина иборат бўлиб, умумий ўқув дастурининг, айнан, қисқа машғулотлар блокидан иборат бўлган анъанавий ўқув дастурларини амалга оширишнинг шаклларидан бирига тегишилди. Амалиётда таълимнинг якуний натижаларига эришиш учун турли ёндашувлар ва турли уйғунлашган шакллар: масалан, устоузлик дастурлари ёки машғулотларнинг классик блокларига қўшимча рошида лойиҳасиий фаoliyati бўлиши мумкин. Норасмий ёки ноодатий таълим олиш доирасида эгалланган компетенцияларни расмийлаштириш ва қисман этироф этиш шакли ҳам бўлиши мумкин. Бундан ташқари дастур муаллифлари буни амалда рўёбга чиқариш мумкинлигини ўрганиш истагидадирлар.

Агар ташкилотчилар CG сертификатларини фақат таклиф этилган дастурдаги материаллар асосида бериши режалаштираётган бўлса, бир қатор минимал талаблар ишлаб чиқилган бўлиб, уларни ўқув дастурини амалга оширишда ҳисобга олиш керак бўлади.

Шу каби минимал талаблар CG ўқув курсларини амалга оширишнинг зарур сифат даражасини кафолатлади, шунингдек таълим ташкилотчилари, CG дастурларини амалга ошириши истаганларга қўшимча ёрдамдир. Минимал талаблар таълим мазмуни, таълим жараёнида қўлланиладиган таълимий ва баҳолаш фаоллигига доир бир қатор мезонларни белгилайди. Минимал талаблар доимий янгиланиб туриладиган ва CG ([www.curriculum-globale.de](http://www.curriculum-globale.de)) сайтидан юклаб олиш мумкин бўлган ёрдамчи материаллар таркибида бўлади. Сайт мунтазам равиша янгиланиб туради ва CGни амалга оширишда фойдаланиш учун ресурс бўлиб хизмат қиласди. CGнинг асосий хужжатларидан ташқари, у масалан, амалга ошириш бўйича қўлланма, CG асосида ишлаб чиқилган ўқув дастурлари намуналари, ўргатувчи материаллар, ресурсларга ҳаволалар, адабиётларнинг янгиланган рўйхати ва ҳ.к. каби дастурни амалга оширишда зарур бўладиган қўшимча ёрдамчи материалларни таклиф этади.

CG қисми	Вазифаси	Фойдаланиш можияти	Манба
Амалга ошириш бўйича ёрдамчи материаллар (қўлланма, мувоффақиятли амалиётдан мисоллар, ўргатувчи материаллар)	CGни амалга ошириш бўйича моделлар, мисоллар ва амалий воситалар тақлиф этади.	CGни амалга оширишда эркин ишлатилиши мумкин	
CG сертификатли таълим учун минимал талаблар (таълим мазмуни, таълим жараёнида қўлланиладиган таълимий ва баҳолаш фаоллигига доир)	Сифат кафолати; CG ўқув дастурларини тайёрлашда ўқитиш ташкилотчиларини ўқитишнинг усвор йўналишларини аниқлашга йўналтириш	Агар дастур битирувчилари CG белгили логотип қўйилган сертификат олсалар, иштирокчилар аввалги таълимда компетенцияларнинг бир қисмини эгаллаган ва мос равиша аввалги таълимнинг тан олиниши амал қилинса, бундан мустасно бўлган ҳолда риоя қилиниши мажбурийдир. Бундай ҳолатда минимал талаблар мутаносиб равиша қисқариши мумкин	Curriculum globALE ( <a href="http://www.curriculum-globale.de">www.curriculum-globale.de</a> ) сайти
Мавзуни ёритишнинг ўзига хосликлари, давомийлиги ва таълим бериш шакли, адабиётлар бўйича тавсиялар ва ҳ.к.лар тавсифи	CG ўқув дастурлари бўйича ўқитишни ташкилотчилари учун ёрдамчи ва йўналтирувчи бўлиб хизмат қиласди	Тавсия сифатида тақлиф этилади, ахборотли маълумотни ўз ичига олади, зарур ҳолларда мослаштирилиши мумкин	Curriculum globALE қўлланмаси (В бўлими)
Компетенциялар/CГ битирувчилари эришиш учун режалаштирилган таълим натижаларини аниқлаш	Стандартларни белгилаш		

**Шарҳ:** Curriculum globALE дастурининг асосий ва ёрдамчи қисмлари

### Curriculum globALEдан ким фойдаланади?

Дастлаб ўқув дастури катталар таълим билан шуғулланувчи ўз ўқитувчиларининг малака даражаси мавжуд касбий стандартларга мослигини таъминлашни хоҳлайдиган муассасаса ва ташкилотлар учун мўлжалланган. Ўзида сифатни таъминлашнинг дастлабки меъёрларини акс эттирган Curriculum globALE ўқув дастурлари таркибида халқаро стандартлар бўлиб, кенг профессионал жамоалар, шунингдек катталар учун таълим муассасаларида бевосита ишламайдиган, таълим сиёсати соҳасида қарорлар қабул қилишга масъул бўлган шахслар учун қизиқарли бўлиши мумкин.

Аниқ қўлланилиши ҳақида шуни айтиш мумкини, ўқув дастури ва ушбу нашр биринчи навбатда катталарга таълим берадиган ўқитувчиларнинг таълим дастурларини режалаштириш ва ташкиллаштиришга жалб этилган шахсларга мўлжалланган<sup>3</sup>. Таълимнинг якуний натижаларини аниқлаб, ўқув дастури бу иш учун таълимий дастурлар орқали эришилиши керак бўлган мақсадларга йўналтирувчи асосларни тақлиф этади.

3. Шу тарзда “катталарга таълим берувчи ўқитувчилар” ўз-ўзидан билвосита ўқув дастурининг мақсадли гурухини ҳосил қиласдилар. “Катталарга таълим берувчи ўқитувчи” атамаси ҳар бир алоҳида ҳолатда нимани англашиби ва бу касбий рол билан боғлиқ умидворлик нимадан иборатлиги, балки турли мамлакатлар ва минтақалarda сезилиларни даражада фарқ қилиши мумкин. (Аз бўлимга ҳам қарант).

Мазмун, методлар ва машғулотлар шаклига доир кейинги берилган маълумотлар туфайли ўқув дастури алоҳида дастурлар аниқ режалаштириш ва амалга оширишда қўшимча ёрдам тақдим этади.

## 2. Curriculum globALE дастури қай тарзда ишлаб чиқилган? – манбалар ва ишлаб чиқиши методлари

### Манбалар

Curriculum globALE ўқув дастури асосида қуйидагилар ётади:

- DVV International лойиҳавий фаолияти доирасида ишлаб чиқилган тренерлар тайёрлаш дастурлари;
- катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган мавжуд миллий малака тизими ва стандартлари;
- Европа лойиҳалари доирасида ўрнатилган, катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган халқаро касбий стандартлар.

### a) DVV International лойиҳавий фаолияти доирасида ишлаб чиқилган тренерлар тайёрлаш дастурлари

Тренерларни тайёрлаш бўйича турли қўлланилиш соҳалари учун маҳсус ишлаб чиқилган дастурлар DVV International лойиҳавий фаолияти доирасида кўп йиллар давомида фойдаланиб келинмоқда. Мазкур материалларнинг айримлари трансмиллий, минтақавий хусусиятларга эга бўлиб, масалан, Осиё ёки Африка учун мўлжалланган мазмунга эга бўлса, бошқалари Фаластин, ЖАР ёки Ўзбекистонга тегишидир. Барча дастурлар DVV International вакиллари ва маҳаллий ҳамкорлар иштирокида ишлаб чиқилган бўлиб, зарур ҳолларда қўшимча равишда халқаро эксперплар жалб этилган.

### b) Миллий малака тизими ва стандартлари

CONFINTEA VI конференциясида тайёрланган маъruzаларга мувофиқ, (бўлажак) катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишга йўналтирилган дастурлар кўплаб мамлакатларда мавжуддир. Ушбу дастурлар кўлами, ўқув фанлари тўплами, малака даражаси ва расмийлаштириш даражаси бўйича сезиларли даражада фарқ қиласди. Турли вариантлар мавжуд: бир неча йил давом этадиган ва илмий даражани олишни таъминловчи университет ўқув курсларидан то кўп сондаги модуллар бўйича бир кунлик қайта тайёрлов курсларигача.

Бу дастурларнинг кўпчилиги ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бирор лойиҳа доирасида вужудга келган, масалан, ўқитишиш концепцияси, узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқилишга ёки расмий таълим тизими билан алоқа ўрнатишга даво қилмаган ҳолда жорий ҳолатда аниқ ўхтиёжларни қондириш учун ишлаб чиқилган.

Бироқ, шу жумладан, айрим мамлакатларда доимий амал қиладиган дастурлар ва малака тизимлари мавжуд ташкилотчилар бўлиб, одатда олий ўқув юртлари (агар даражада бериш назарда тутилган дастурлар ҳақида сўз кетаётган бўлса) ёки масалан, Немис катталар таълими уюшмаси томонидан курс ўқитувчилари учун таклиф этилаётган таълим дастурлари каби ўз ходимлари учун узлуксиз таълим таклиф этиётган катталар таълими соҳасидаги етакчи ташкилотлар ташабbus кўрсатадилар. Фақат айрим мамлакатлардагина, масалан, Австрия, Швейцария ва Буюк Британияда университетдан ташқари катталар таълим соҳасида иш олиб борадиган ўқитувчилар учун миллий даражада провайдерлар томонидан ишлаб чиқилган малака тизимлари мавжуд. Бу тизимларнинг айримлари таркиби қисмлардан бири сифатида норасмий ва информал таълим доирасида эгалланган компетенцияларни сертификатлашни ўз ичига олади. Расмий ўтироф этиш тариби туфайли, бу жараёнда мавжуд компетенциялар аниқлаштирилади ва сертификатлаштирилади, шунингдек катталарга таълим берувчи ўқитувчилар этишмаётган компетенцияларини ривожлантириш курсларига бориш орқали бу мамлакатларда миллий миқёсда тан олинган малакаларга эга бўлишлари мумкин.

Шу каби мавжуд бўлган малака ошириш тизими ва моделлари тегишли асосий касбий стандартлар билан биргаликда ўқув дастурларини ишлаб чиқишида муҳим таянч нуқтаси вазифасини бажарди.

### Куйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратилган:

- SVEB сертификати.** Швейцария катталар таълими федерацияси томонидан ишлаб чиқилган (SVEB) сертификати Швейцариянинг «тренерлар тайёрлаш» (Ausbildung der Ausbildenden) модулли тизими нинг биринчи босқичи бўлиб ҳисобланади. Сертификат, катталар таълими соҳасида фаолият олиб борадиган ўқитувчилар учун, бутун Швейцария бўйича тан олинадиган таянч малака курсларини таклиф этади. Сертификат олиш учун 90 соатлик ўқув вақтини ўз ичига олган таълим дастурларида иштирок этиш керак бўлади. 165 соат мустақил ўқиш учун берилади. Бундан ташқари, 150 соатдан кам бўлмаган катталар таълими соҳасида ўқитувчилик иш тажрибасига эга бўлиши керак. Мавжуд компетенцияларни тан олиш тартибини таълим дастурларида ўқиганлик босиши мумкин<sup>4</sup>.

4. <http://www.alice.ch/de/ada/zertifikate/> (Охириги мурожаат санаси: 08.10.2015)

- «**Сертификатланган катталар таълими ўқитувчиси» WBA сертификати:** Бу сертификат Австрия құшимча таълим академияси (WBA) томонидан катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун таклиф этиладын иккита малака талабаларидан бириңчиси ҳисобланади. WBA академияси Австрия катталар таълими федерал институти Австрия катталар учун таълим тизимининг бир қисми ҳисобланади. Австрия құшимча таълим академияси ўкув режаси күренишидаги стандартларни белгилайди. Сертификат олиш учун ўқитувчилар белгиланган компетенцияларга зәғанликларини исботтаб беришлари лозим бўлади. Бу жараён турлича бўлиши мумкин. Етишмайдиган исталган компетенцияларни курсларга қатнаш орқали эгаллаш мумкин. Катталар таълими соҳасида ишлаган 300 соатдан кам бўлмаган тегишли амалий тажриба ҳам сертификат олишнинг дастлабки шарти ҳисобланади<sup>5</sup>.
- **Ҳаёт давомида таълим олиш секторида фаолият олиб борувчи ўқитувчининг дипломи (DTLLS).** 2007 йилдаёк Буюк Британия қонунлари давлат бюджетидан молиялаштириладиган узлуксиз таълим секторида фаолият олиб борувчи ўқитувчининг тегишли расман рўйхатдан ўтказилган малака даражасини олишни киритган. 2007 йилдан бошлаб катталар таълими соҳасига янги келган ўқитувчилар ўқитишнинг бириңчи йилида давомийлиги 30 соат бўлган тайёрлов курсидан ўтиши керак. DTLLSning тўлиқ малака дипломини олиш учун беш йил давомида кенгайтирилган модули таълим дастурларини ўтиши керак бўлади, буни ишдан ажралмаган ҳолда 1-2 йилда амалга ошириш мумкин. Зарурий шарт ҳисобланган йилига 150 соат дарс бериш ўкув дастурининг ажралмас қисми ҳисобланади. Аkkредитация олиш учун DTLLS дастурлари “Ҳаёт давомида таълим олиш секторида ишлайдиган ўқитувчилар, репетиторлар, тренерлар учун Буюк Британияда ҳаёт давомида таълим олиш бўйича ташкилот (LLUK)нинг касбий стандартлари”га мувофиқ келиши керак, бу эса эгалланадиган компетенцияларнинг дастлабки асосларини ифодалайди<sup>6</sup>.

### c) Европа лойиҳалари доирасида ўрнатилган, катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган халқаро касбий стандартлар

Curriculum globALE ўкув дастури асосида охирги бир неча йилларда катталарга таълим берадиган ўқитувчилар учун касбий ихтисосликлар кўриб чиқилган бир қатор Европа тадқиқотлари ва лойиҳалари ҳам ётади. Бу лойиҳаларнинг бир қисми катталарга дарс берадиган ўқитувчилар қандай (асосий) компетенцияларга эга бўлиши керак, деган масалани тадқиқот қилиш билан шуғулланган. Бошқа лойиҳалар катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун аниқ/конкрет восита/усуллар портфелини ишлаб чиқишига бағишинанган бўлиб, бу воситалар аввалдан мавжуд бўлган компетенцияларни тан олиш/эътироф этиш учун ишлатилиши, құшимча компетенцияларни ривожлантиришга эҳтиёжларни аниқлаш, шунингдек узлуксиз касбий таълимни режалаштириш учун ишлатилиши мумкин. Ўзининг халқаро миқёсда марказий ўрин эгаллаши ва стандартларни белгилаш мақсадлари туфайли бу лойиҳалар ва ишлаб чиқилган касбий ихтисосликлар Curriculum globALE ўкув дастурларини ишлаб чиқишида алоҳида қизиқиш уйғотди.

#### Куйидаги Европа тадқиқотлари ва моделларидан фойдаланилди:

- «**Европада катталар учун малакали ўқитувчи (AGADE)» (2004-2006 й.):** Эстония, Ирландия, Литва, Латвия, Норвегия, Португалия, Швеция ва Венгриялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилган лойиҳа доирасида Европада катталларга дарс берувчи ўқитувчилар учун минимал стандартлар ишлаб чиқилди, шунингдек ушбу стандартлар асосида олиб бориладиган ўкув курслари учун ўкув режалари ҳам тайёрланди. Бу стандартлар катталарга таълим берувчи ўқитувчи томонидан бажарилиши керак бўлган тўртта ролга тегишли: ўқитувчи, маслаҳатчи/консультант, фасилитатор ва тренер<sup>7</sup>. Жами 16та мезон ишлаб чиқилди ва гурухларга бўлинди, шу жумладан алоҳида шахсларга тегишли, шунингдек касбий соҳага тааллуқли бўлган мезонлар ҳам шулар жумласидандир.
- «**Катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг норасмий ва информал таълим олиш жараёнида эгаллаган психологияк-педагогик компетенцияларини тан олиш (VINEPAC)» (2006-2008 й.):** Германия, Франция, Мальта Руминия ва Испаниялик ҳамкорлар билан биргаликда амалга оширилган лойиҳалар доирасида катталар таълими соҳасида фаолият олиб борадиган ўқитувчилар (тренерлар)нинг психологияк-педагогик компетенцияларини тан олиш воситалари ишлаб чиқилди. «Validpack» деб номланадиган бу восита компетенцияларнинг табақалашган моделини ўзида мужассам қилган бўлиб, қуйидаги блокларни ўз ичига олади: «билимлар», «ўқитишиш/бошқариш», «баҳолаш ва таълим сифатини ошириш», «йўналтириш/қизиқтириш ва маслаҳат бериш» ва «шахсий ва касбий ривожланиш».
- «**Европа малака талабларининг 6- ва 7-даражалари ўртасида катталарга таълим берувчи ўқитувчилар учун касбий маҳоратни оширишнинг мослашувчан усуллари (Flexi-Path)**: Германия, Эстония, Буюк Британия, Италия, Руминия, Швейцария ва Испаниялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилган лойиҳа доирасида катталарга таълим берувчи юқори малакали ўқитувчилар учун компетенцияларни

5. [http://www.wba.or.at/studierende/kompetenzen\\_zertifikat.php](http://www.wba.or.at/studierende/kompetenzen_zertifikat.php) (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

6. <http://collections.europarchive.org/tna/20110214161207/http://www.lluk.org/wp-content/uploads/2010/11/new-overarching-standards-for-ttt-in-lifelong-learning-sector.pdf> (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015) 2013 йили DTLLS DETra ўзгартирилди (Ўқитувчининг таълим ва қайта тайёрлаш бўйича дипломи)

7. [http://www.vabaharidus.ee/public/files/LPIA\\_Agade\\_A4.pdf](http://www.vabaharidus.ee/public/files/LPIA_Agade_A4.pdf) (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

аниқлаш воситалари портфели ишлаб чиқилди. У ўқитувчилик фаолияти<sup>8</sup> доирасида келиб чиқадиган режалаштириш, бошқарыш ва раҳбарлик қилиш каби вазифалар учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган катталарга таълим берувчи ўқитувчиларга бўлган учта йўналишдаги компетенцияларни (Таълим – Одамлар – Амалиёт) аниклайди. Бу восита Европа малака талабларига асосланган.

- **«Катталар таълими соҳасидаги мутахассисларнинг асосий компетенциялари» (2010 й.)** Голландиянинг Research voor Beleid институти томонидан ўтказилган умумевропа тадқиқотлари Европада катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг асосий компетенцияларини аниклашга ва «Катталар таълими соҳасидаги мутахассисларнинг асосий компетенциялари»нинг тегишли талабарини яратишга йўналтирилган. Мазкур талаблар катталарга таълим бериш касбий соҳасини тўла қамраб олиб, барча мавжуд касбий роллар ва вазифаларни ўз ичига олади. Лойиҳанинг доирасида катталар таълим мининг алоҳида соҳалари ёки якка тартибдаги касбий роллари фарқланмаган. Бироқ дастлабки талаблар бунинг учун таянч нуқтасини таъминлаб беради<sup>9</sup>.
- **«Малакали ўқитувчи (QF2Teach)» (2009-2011 й.)**: Германия, Буюк Британия, Италия, Нидерландия, Польша, Руминия, Швеция ва Швейцариялик ҳамкорлар иштирокида амалга оширилган лойиҳа доирасида ҳамкор мамлакатларда ўқитувчиларнинг аниқ бир иши мазмун моҳиятидан қатъий назар узлуксиз таълим тизимида уларнинг қайси компетенцияларни эгаллашлари кераклигини белгилаб берадиган эксперт баҳолаш методи ёрдамида тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот натижалари бўйича тўққизта асосий компетенцияларни ўз ичига олган каталог тузилди. Бу компетенциялар Европа малака талаблари асосида малака талаблари шаклида батафсил сараланди<sup>10</sup>.

## Ишлаб чиқиш жарёни

**Curriculum globALE ўқув дастурини ишлаб чиқиш жараёни бир нечта босқичлардан иборат бўлди:**

Мавжуд дастурларнинг мавзуси ва мазмуни тизимли равища таҳлил қилинди. Хусусан, ўқитишнинг режалаштирилган якуний натижалари ва компетенцияларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу босқичнинг мақсади шундан иборат эди-ки, кўриб чиқилган мамлакатлар ва лойиҳалар учун хос бўлган умумийликни алоҳида ажратиб олиш.

- Шу асосда ҳар бири алоҳида модулни ўз ичига мужассам қилган режалаштирилган ўқув дастурларининг тахминий асосий ўқув фанлари соҳалари аникланди.
- Кейин кўп босқичли жараён давомида алоҳида модуллар ишлаб чиқилди, шунингдек таълим мақсадлари шакллантирилди, компетенциялар ва ўқув фанлари мазмуни белгилаб берилди. Ишланмаларнинг алоҳида қисмлари бир неча бор юқорида қайд этилган миллӣ ва Европа таняч моделлар билан солиширилди. Шундай қилиб, ўқув дастурларининг мавжуд халқаро стандартларга мувофиқлиги таъминланди.
- Ушбу мавжуд моделлар билан таққослашга кўшимча равища лойиҳа гуруҳи ишлаб чиқиш босқичлари давомида оралиқ лойиҳалар бўйича алоҳида ҳамкаслар ва экспертлардан қайта алоқа ўрнатиш орқали фикр мuloҳазалар олди. Бу қайта алоқа ўқув дастурлари устида кейинги ишларда эътиборга олинди. Модулларни ишлаб чиқиш мобайнида уларнинг тузилиши ва лойиҳалари бир неча марта ўзгартирилди.
- 2012 йилнинг охирларида тўлиқ ўқув дастурининг биринчи лойиҳаси катталар таълими соҳасидаги эксперталар – назария ва амалиётчилар иштирокида ўтказилган семинарда мухокама қилинди ва тасдиқланди. Эксперталар иштирокида ўтказилган семинар давомида/жараёнида бўлган мухокамалар асосида жорий лойиҳа қайта кўриб чиқилди.
- Ўқув дастурининг қайта кўриб чиқилган лойиҳаси 2013 йилда DVV Internationalга ҳамкор бўлган бир қанча мамлакатларда синовдан ўтказилди. Олинган тажриба/натижалар мазкур Curriculum globALE-нинг иккинчи қайта кўриб чиқилган нашрида, CG веб саҳифасининг ишга туширилишида, шунингдек ([www.curriculum-globale.de](http://www.curriculum-globale.de)) саҳифада/сайтда жойлаштирилган турли қўшимча/ёрдамчи материалларни ишлаб чиқиша ўз аксини топди.

## 3. Curriculum globALE ўқув дастурининг глобал жиҳатлари юзасидан айrim мулҳозазалар

Юқорида келтирилган рўйхат миллӣ миқёсдаги чегаралардан кенгроқ ва ундан ташқарига чиқадиган халқаро лойиҳаларга доир мисоллардан таркиб топган бўлса-да, бу ҳозирги вақтга қадар катталарга таълим берувчи ўқитувчиларга тегишли бўлган кўпчилик лойиҳалар ва ташабbusлар ҳам миллӣ ўзига хосликларга эга эканлигини инкор этмаслиги керак. Улар муайян бир аниқ маданий ва ижтимоий мазмунда ишлатилиши учун мўжалланган ва табиийки, айнан шу асосда яратилган. Бундай лойиҳаларнинг дикқат марказида эътибор айнан бир хил роллар ва компетенцияларга қаратилганлик ҳолати Европада миллӣ

8. <http://www.flexi-path.eu/> (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

9. [http://www.ginconet.eu/sites/default/files/Key\\_Competences\\_For\\_Adult\\_Educators.pdf](http://www.ginconet.eu/sites/default/files/Key_Competences_For_Adult_Educators.pdf) (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

10. [http://asemllhub.org/fileadmin/www.dpu.dk/ASEM/events/RN3/QF2TEACH\\_Transnational\\_Report\\_final\\_1\\_.pdf](http://asemllhub.org/fileadmin/www.dpu.dk/ASEM/events/RN3/QF2TEACH_Transnational_Report_final_1_.pdf) (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

миқёсдаги чегаралардан кенгрөк ва ундан ташқарига чиқадиган бир қатор лойиҳаларни ишлаб чиқишига олиб келди. Бу юқорида санаб ўтилган лойиҳаларга ҳам тегишилер. Бироқ, глобал умумжағон миқёсида барча қитъаларни қамраб оладиган компетенциялар ёки малака стандартларининг умумий профилини тузиш ва бу асосда умумий ўкув дастурларини ишлаб чиқишига аниқ уринишлар/ҳаракатлар ҳозирча бўлгани йўқ. Бу қисман халқаро ҳамкорликнинг мураккаблиги билан боғлиқ бўлсада, бироқ кўп ҳолларда бу соҳада ишлайдиган мутахассисларнинг ҳам катталар таълими ҳақидаги қарашларининг турлича бўлганилиги билан боғлиқдир.

Фақат кам ҳоллардагина ўқитувчилик вазифасини бажариш учун маҳсус шаклдаги бундай тайёрғалик мавжуддир. Кўпгина мамлакатларда катталар билан ишлайдиган ўқитувчиларнинг вазифаси ахборотни етказиш бўлиб, бу бошқача сўз билан айтганда, ўқитувчи ҳақидаги анъанавий тасаввурларни эслатади. Аксинча, бошқа мамлакатларда эса катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг роли йўналиш бериш, қўллаб қувватлаш ва кўмак бериш вазифаси томон аниқ силжиш борлигини кузатиш мумкин. Тренер, фасилитатор, модератор, эксперт ва консультант – мана шулар бу силжишни акс эттирувчи катталарга таълим берадиган ўқитувчиларнинг ролини номланиши. Улар тренер, ўқитувчи, катталарга таълим берувчи каби анъанавий терминлар қаторида янада кенгрок тарқалишга муваффақ бўлмоқда. Бу терминларнинг айримлари ахборотни етказиш вазифаси, шунингдек етказилиши керак бўлган компетенция, малака ва кўнилмаларга ҳам катта аҳамият касб этади. Бошқалари катталарга таълим берувчи ўқитувчиларга, улар ўзларини намоён қилишлари ва шахсий қобилиятларини ривожлантиришда кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш ва кўмак бериш вазифаларига алоҳида эътибор қаратади.

Юқорида баён этилганидек, билимлар бериш вазифасидан кўмак бериш/таъсир кўрсатиш вазифасига ўтишга аралаш урғу берилиши катталар таълими соҳасида фаолият олиб борувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган тренингларни концептуал ишлаб чиқиши услугига ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, Жанубий Америка қитъасида Пауло Фрейре ғояларининг кучли таъсири кузатилади. Фрейренинг Танқидий фикрлаш Концепцияси (conscientiza o) Лотин Америкасида ўқитувчилар ҳақида, катталарга таълим берувчининг асосий вазифаси таълим олувчиларда танқидий фикрлаш (reflex ocritica)ни ривожлантириш деб қабул қилинган тасаввурлар шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда мультиплікатор терминидан тез-тез фойдаланилади. Бу термин кўпроқ катталар таълим мининг мазмуни ва вазифаларига нисбатан унинг ташкил этишилиши ва тузилмаси маъносини англатади. Мазкур концепция шуниси билан яхшики, у бирор аниқ фаннинг мазмунига боғланмай балки, асосий ғоя катталарни ўқитиши услубларига йўналтирилган.

Бошқа фарқлари провайдерлар ва катталар таълими институционал моҳиятида ўз аксини топган. Катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг роли, гап давлат ташкилоти шаклидаги расмий таълим тизими ҳақида кетаётганлиги ёки нодавлат ташкилотларнинг таълим хизматларини кўрсатувчи провайдерлар сифатида чиқаётган фуқаролик жамияти сектори ҳақида гапирилаётганига қараб, фарқ қиласди.

Мазкур ўкув дастури юқорида ифодаланган ролли концепциялардан айнан бирига асосланмаган. Бунинг ўрнига у, уларда мавжуд бўлган умумийликдан фойдаланиб, уларнинг ҳаммасини бирлаштиради. Амалиётда юқорида кўрсатиб ўтилган ролларнинг аниқ ажратиши таъминлаш имконияти ҳар доим ҳам бўлавермайди, натижада кўпинча бу ролларнинг аралашиб кетиши билан якунланади. Мазкур ўкув дастури ушбу анъанани акс эттиради. Турли ролларнинг умумий моҳияти катталарга таълим берувчи ўқитувчилар, уларнинг иши маданий, институционал ва мавзуий мазмуни/жихати қандай бўлишидан қатъий назар эгаллашлари керак бўлган таянч компетенцияларда ўз аксини топган. Ушбу ўкув дастур мазкур асосий компетенциялар тўплами асосида тузилган. Ушбу компетенцияларнинг аниқ таърифлари катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг ролини муайян ҳолда тушунишни назарда тутади, яъни ўкув дастур стандартни белгилайди.

Турли мамлакатлар ва худудларда катталар таълим мининг ривожлантириш учун дастлабки шароитларнинг турлича эканлигидан бу стандарт фақат натижаларга – ривожлантирилиши лозим бўлган ва ўкув дастурида мазмунга нисбатан таърифи аниқ белгиланмаган компетенцияларга тааллуқидир. Ахборотни, яъни мазмун ва мисолларни етказиб беришга доир ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, ушбу ўкув дастурида уни амалга оширишнинг лойиҳа концепциясига маҳаллий, маданий ва бошқа ўзига хосликларни қўшишга етарли даражада имконият берилган. Бунга ўкув дастурининг зарур бўлган ҳолларда ўзгартирилиши мумкин бўлган қисмларининг мавжудлиги ёрдам беради.

Катталар таълими тушунчасининг ўзи каби, катталарга таълим берувчи ўқитувчининг роли ҳам мавжуд шароитлар, шунингдек иқтисодий жиҳатлар, маданий омиллар ва таълим соҳасидаги тенденцияларга боғлиқдир. Шундай қилиб, бу барча мамлакатлар, худудлар ва ўкув предмети соҳаларида қўлланишига мўлжалланган ўкув дастури учун муайян меъёrlар/талаблар/чегарани яратади. Бошқа томондан, катталар таълим мини профессионаллаштириш заруратини англаш бутун дунёда шу даражада тарқалганки, «Белен ҳаракатлар меъёri»нинг катталар таълими сифатига бағишлиланган бобида акс эттирилган чақириқда ўз ифодасини топган: «катталар билан иш олиб борувчиларни тайёрлаш, салоҳият, ёллаш шартлари ва педагогларнинг касбий маҳоратини яратишни такомиллаштириш керак, масалан олий ўкув юртлари, ўқитувчилар ассоциацияси ва фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ўрнатиладиган ҳамкорлик алоқалари ёрдамида амалга ошириш лозим»<sup>11</sup>. Барқарор ривожланиш мақсадларининг постулатларига мувофиқ

11. <http://uil.unesco.org/home/news-target/belem-framework-for-action/0120c832d6d63fe6fb798a346c9b3419/> (Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

4-сонли мұхим мақсади «Барчани қамраб олувчи ва адолатли бўлган сифатли таълимни таъминлаш ва ҳаёт давомида ўқиш имкониятларини рағбатлантириш» 2030 йилга қадар «кattаларга таълим берувчи малакали ўқитувчилар сонини, шу жумладан ривожланаётган мамлакатларда катталарга таълим берувчи ўқитувчиларни ўқитиш бўйича халқаро ҳамкорлик ўрнатиш ёрдамида сезиларли даражада ошириш» орқали амалга ошириш мумкин бўлади. Айнан мана шу глобал тенденциялар, шунингдек турли намоёндалар ва ташкилотларнинг амалдаги мавжуд дастурлари ва мажбуриятлари глобал ўқув дастурларини ишлаб чиқишига бағишлиланган мазкур лойиҳанинг асосида ётган соҳани профессионаллаштириш йўли билан катталар таълими сифатини ошириши керак. Curriculum globALE ўқув дастури ўзининг катталар таълими соҳасини профессионаллаштириш билан боғлиқ мақсадларини катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг аниқ фаолият соҳаларидан қатъий назар, уларнинг эгаллаши керак бўлган малакаларининг дастлабки меъёрлари сифатида асосий компетенцияларни аниқ белгилаш орқали амалга оширишни кўзлайди. Бу дастур нафақат географик нуқтаи назардан, балки у узлуксиз касбий таълим билан шуғулланувчи тренерлар, саводхонникни ошириш бўйича фаолият олиб борадиган муаллимлар, давлат мактабларида ишлайдиган ўқитувчилар, шунингдек таълим бериш фаолияти билан шуғулланувчи фаолларнинг ижтимоий ҳаракатларига жалб этилганлар учун мўлжалланганлиги маъносида ҳам глобал ҳисобланади.

#### **4. Curriculum globALE ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёндашуви**

**Curriculum globALE ўқув дастури ривожланиш мақсадида ҳамкорлик қилиш учун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (Human Rights-Based Approach) ёндашувидан фойдаланади:**

«Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш (Human Rights-Based Approach) ёндашувида инсон ҳуқуқларини алоҳида шахслар ва асосланган эътироzlарга эга (ҳуқуққа эгалик қилувчилар) бўлган гурухлар ва тегишли мажбуриятларга эга (мажбуриятлар эгаси) бўлган давлат ва нодавлат субъектлари билан ўзаро муносабатларни белгилайди. У ҳуқуқ эгалари (ва уларнинг ҳуқуқлари) ва тегишли мажбуриятлар эгалари (ва уларнинг мажбуриятлари)ни белгилайди ва ҳуқуқ эгаларининг ўз талабларини илгари сурис қобилиятларини ва мажбурият эгаларининг ўз мажбуриятларини бажариш қобилиятларини оширишга олиб келади».<sup>12</sup> Бунинг маъноси шуки, таълим қачонки бунинг имкони борида тақдим этиладиган хизмат бўлиш ўрнига, «мажбурият эгалари» томонидан қондириладиган кафолатланган ҳуқуқ бўлиб ҳисобланади».

Катталар таълими кўп маротаба асосий ҳуқуқ сифатида, хусусан Барча учун таълим (Education for All) доирасида, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт матнида ҳам ифодалаб келинган:

«13 (d) Кимки бошланғич таълим курсини ўтамаган ёки тўлиқ яқунламаган бўлса, элементар таълим имкон қадар рағбатлантирилиши ёки кучайтирилиши лозим».

Шундай қилиб, катталар таълими ўзини намоён этиш ҳуқуқи бўлиб, шунингдек ўз кучини/ақлини тўлиқ очиб бера олиш шартидир. Curriculum globALE ўқув дастури доирасида бу тушунча сифат концепцияси билан узлуксиз равишда боғланган.

**Катталарнинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда қўйидаги субъектлар гуруҳи турли даражадаги жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:**

#### **Давлат ва фуқаролик жамияти:**

Сифат тизимли тушунча сифатида таълим жараёнининг барча жиҳатларини қамраб олади ва бунда ушбу жараёнда малакали мутахассисларга жуда катта аҳамият берилади. Давлат таълим олишга бўлган ҳуқуқларни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун фуқаролик жамияти билан биргаликда алоҳида шахсларнинг ҳаёт давомида таълим олишлари учун жалб этиладиган имкониятларни яратувчи тегишли тизим/тузилмаларнинг фаолият юритишини кафолатлаши керак бўлади. Ўрта бўғинда малакали ходимларни ўқитишини ташкил этиш, адолатли рағбатлантириш, тегишли иш шароитлари яратишни ташкил этиш лозимдир. Жойларда катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ўтиёжларига жавоб беришга қодир, яхши жиҳозланган катталар таълими марказлари ташкил этилиши лозимдир. Бир сўз билан айтганда, давлат ва фуқаролик жамияти барча учун узлуксиз таълим олишни ривожлантириш бўйича қулай шаротлар яратилишини таъминлаши керак.

#### **Катталарга таълим берувчилар:**

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш ёндашувига асосланган биринчи холосасида билдирилишича: «Одамлар неъмат ва хизматларнинг пассив истеъмолчилари бўлиб эмас, балки ўзининг ривожланиш жараёнларида асосий субъектлари сифатида тан олинадилар». Бундан келиб чиқадики, катталарга таълим берувчилар иштирокчилар ўзларининг шахсий манфаатларига жавоб бера олиши ва ўз интилишларини рўёбга чиқаришга эришишлари учун кўмак беришлари керак. Таълим берувчилар ўзларининг методологик билимларини қўллаган ҳолда иштирокчиларга билиш жараёнида фаол бўлиш учун имконият яратиб беришлари ва тегишли вазиятларга боғлиқ ҳолда уларни қизиқтирган саволларига

12. <http://hrbaportal.org/the-human-rights-based-approach-to-development-cooperation-towards-a-common-understanding-among-un-agencies>  
(Охирги мурожаат санаси: 08.10.2015)

ечим топишда уларни қўллаб-қувватлашлари керакdir.

### **Иштирокчилар:**

Таълим истеъмол қилинадиган маҳсулот бўлиб ҳисобланмайди, балки иштирок этиш мумкин бўлган жа-раёндир. Хаттоти қулай шароитлар яратиб берилган тақдирда ҳам, билиш ҳаракати/жараёни таълим олувчиларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади ва шундай экан, улар таълим жараёнининг муваффақиятли натижаси учун жавобгар бўладилар. Сўз таълим жараёнининг ўзидағи мақсад қилиб олинган йўналиш, компетенциялар, ўқишига муносабат ва хулқ-атвор ҳақида бормоқда. Иштирок этиш бу икки томонлама жараён бўлиб, бунинг учун имконият яратилса натижага беради.

Иштирокчилар учун бу ҳуқуқ ва имкониятлар, зарурат бўлганида мустақил таълим олиш жараёнини ташкил этиш билан боғлиқдир, масалан ўқув тўгаракларда.

Бу учта гуруҳ субъектларининг роли бир-бирини тўлдириган ҳолда, катталарнинг мақсадга йўналтирилган таълим олишлари, уларнинг эҳтиёжларини қондириш ва орзуларини рўёбга чиқариш, тажрибага эга бўлишига имконият яратиш, бу эса манфаатдор томонлар ўртасида муҳокама қилинган ҳолда ҳаёт давомида таълим олиш тизимини фаолият юритишини таъминлаш керак.

Curriculum globALE ўқув дастури катта ёшдаги таълим олувчиларнинг ролларини бажаришга имкон қадар ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда.

## **5. Curriculum globALE тамойиллари**

Curriculum globALE қўйида келтирилган умумий тамойилларга асосланади: компетентлиликка, хатти-ҳаракатга, иштирокчилар ва барқарор таълимимга йўналтирилган тамойилларга таянади.

### **Компетентлиликка йўналтирилган тамойил:**

Юқорида қайд этилганидек, Curriculum globALE ўқув дастури компетентлиликка йўналтирилган тамойилга асосланади. Бунда у таълим соҳасида кўп вақт давомида ҳукмронлик қилган йўналишлар билан ҳамоҳангдир. Сўз таълим соҳасидаги сиёсатнинг устувор йўналишларига мувофиқ “натижага йўналтирилганлик ҳақида бормоқда. Узлуксиз таълим тизимидағи профессионализм ва сифат борасидаги мунозаралар қуидаги мантиққа йўналтирилгандир.

Компетентлилик ўзи мураккаб тушунчадир. Бу мазкур атаманинг мавжуд бўлган барча таърифларига хосдир. ОЭСР томонидан 2005 йилда шакллантирилган таъриф қуидагича ифодаланган:

«Компетентлилик – бу шунчаки билим ва кўникмага эга бўлишдан қўра кўпроқ маънони англатади. У аниқ мазмун-моҳият касб этган ҳолда психоижтимоий (кўникма ва йўналишлар билан биргаликда) ресурслардан фойдаланиш ва сафарбар қилиши йўли билан эҳтиёжлар мажмуасини қондириш қобилиятини ўзида мужассам қиласди». (ОЭСР 2005 й.).

Компетенция мос равиша бир қатор алоҳида қисмлар (билим, кўникма, қарашлар ва х.к.)ни, шунингдек уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатга киришишга мажбурлаш ва уларни аниқ вазиятларда кераги-ча қўллай олиш қобилиятларини ўз ичига олади. Бу маънода компетенция муайян йўналишда, масалан, катталарга таълим берувчининг касбий фаолияти йўналишида ҳаракат қилиш қобилиятига тааллуқлидир.


Curriculum globALE ўқув дастури шундай қобилиятни ҳосил қилишга йўналтирилган бўлиб, ўқув дастурида юқорида келтириган компетенция элементларини эътиборга олган ҳолда ҳаракат қилишни мақсад қилиб олган.

Ўқув дастури когнитив қобилиятлар ва кўникмаларни ривожлантиришни назарда тутгандек, ўз қарашлари ва қадриятларини назорат қилиш ва рағбатлантирувчи ва ҳиссий жиҳатлар устида ишлаш учун ўз-ўзини таҳлил қилиш қобилияларини ҳам назарда тутади. Ўқув дастурининг биринчи даражали мухим деб баҳоланадиган асосий ҳисобланган қисми, катталар таълими соҳасида фаолият олиб борадиган ҳар бир таълим берувчи фаолиятининг пойдевори бўлган шароитларни сезиларли даражада шакллантирадиган кенгайтирилган ижтимоий йўналиш тушунчаси ҳисобланади. Бунга мамлакатнинг ёки худуднинг нафақат сиёсий ва ҳуқуқий тизимидағи шароитлари, балки мос ҳолда етакачилик қилувчи концепциялар ва катталар таълимида ифодаланмаган, яширин қарашлар билан бигалиқда турли қарашлар ҳам киради. Катталар таълими ва катталар аудиториясида дарс беришга нисбатан жамиятда ёки маданий ҳаётда мажуд бўлган тушуниш ёки нотўғри тушунчага эга бўлиш катталарга таълим берувчилар фаолиятига таъсир қиласдиган мавжуд ҳолат билан боғлиқ шароитларни намоён қиласди. Шунинг учун бу жиҳатларга англаган ҳолда муносабат билдириш, компетенциялар билан боғлиқ бўлган катталарга таълим берувчиларнинг асосий малакалари ва кўникмаларининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

### **Хатти-ҳаракатга йўналтирилган тамойил**

Curriculum globALE ўқув дастури нафақат касбий малака ва кўникмаларни ўз ичига олган, балки шахсий сифатлар ва мулоқот кўникмаларини ҳам қамраб олади. Билимларни кўллаш, катталарга таълим берувчилар алоҳида таълим олувчи ва гуруҳ билан қай даражада ўзаро муносабатга киришишларига боғлиқдир. Бундан ташқари, у узлуксиз таълим олиш қобилиятларига ҳам боғлиқдир. Ўқув дастури назария ва амалиётнинг уйғунлашувини назарда тутади. Катталар таълими жараёнига тегишли илмий назарий

маълумотлар асосни ташкил этиб, амалда қўлланиш, шунингдек улардан англаган ҳолда фойдаланишга эришиш мақсадида таҳлил қилиш ва ривожлантиришга ўзида муҳим замин яратади. Ўқув дастурини амалга ошириш эгалланган назарий билимлар босқичи билан уларни амалиётда қўллаш ва қайта ишлаш босқичлари ўртасидаги алоқалар учун зарур шарт-шароит бўлиб ҳисобланади. Фақат шундай таъсир қилиш шаклигина талабларни қондиради ва катталар таълимни соҳасида профессионал ишлайдиган компетентли ўқитувчини тайёрлашга кўмак беради.



Ўз навбатида ахборотларни етказиш босқичи амалий тажриба ҳақида фикрлар юритиш босқичининг натижаларига асосланиши мумкин, бунда чизмада стрелкалар билан кўрсатилганидек таълим жараёнининг даврийлиги таъминланади.

Модуллар орасида иштирокчилар эгаллаган билимларини катталар учун ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун қўллашлари кутилади. Уларга устозлар ёрдам кўрсатади, бундан ташқари ўқитишда ўзининг амалий тажрибасини биргаликда муҳокама қилишлари орқали ҳам қўллаб-қувватладилар.

### Иштирокчига йўналтирилганлик тамоили

Иштирокчига йўналтирилганлик тамоили катталар таълим мининг марказий тамоилларидан бири ҳисобланади ва Curriculum globALE ўқув дастурининг асосида ҳам ётади. Ўқув дастури уни амалга оширишда кўп эркин имкониятлар яратиб беради, бу эса мазмун ва услубларни шароитлар ва иштирокчиларнинг эҳтиёжларига мослаштириш учун ишлатилиши мумкин. Бу шунингдек, ўқув дастурининг асосий қисми модулларига ҳам тегишилдири. Мослашувчан ёндашув ва индивидуал эҳтиёжларга мос келган ҳолда тузатишлар учун янада катта имкониятлар ўқув дастурининг мақсадли гуруҳнинг маҳаллий ўзига хосликлари ва эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда эркин қайта ишлаб чиқаришни назарда тутади.

Иштирокчига йўналтирилганлик тамоили шунингдек қўшимча жиҳатларни ҳам қамраб олади: ҳақиқатга мослиги ва ўрганилаётган мазмун ва услубларнинг иштирокчилар учун долзарблиги, иштирокчиларнинг тажрибаси ва мавжуд билимларининг ҳисобга олиниши, шунингдек таълим берувчи ва иштирокчилар ўртасидаги тенглик ва ҳурматга асосланган ўзаро муносабатлар.

Бу тамоилларни амалга ошириш босқичлари бошқа нарсалар қатори, конструктив ва рағбатлантирувчи мулоқот, курсларни турли зарурат ва эҳтиёжларни инобатга олишга ёрдамлашадиган тарзда, мослаштирган ҳолда ташкил этиш ва услубларнинг ранг-баранглигини талаб этади.

### Таълимнинг барқарорлиги

Катталарга таълим бериш ва уларни ўқитиш иштирокчиларнинг самарали таълим олиш қобилиятларини ошириши, таълим натижалари узок вақт фойда келтириши ва таълим олишнинг кейинги босқичлари учун пойдевор вазифасини ўташи керак. Шундай қилиб, катталарга таълим беришнинг вазифаси уларга нафақат мазмунни ўргатиш, балки таълим олувчилар метаанглази (ўзининг англаз жараёнини таҳлил қила олиш қобилияти)ни ривожлантириш ва ўзининг таълим олишини ўзи ташкил этиш жараёнига кўмак бериш учун зарур бўлган восита ва услублар билан таништиришдан ҳам иборатдир. Ўзининг англаз жараёнини аниқлаш, таҳлил қилиш ва такомиллаштириш кўникмалари билан уйғунлашган узлуксиз таълим олиш учун рағбатлантиришни ошириш муҳим вазифа бўлиб ҳисобланади. Булар ҳам турли вазиятларда ва янги билим ва компетенциялар билан уйғунлашган ҳолда билим ва компетенцияларни муваффақиятли қўллаш учун дастлабки шароитлар бўлиб ҳисобланади.

Ўқий олиш кўникмасини шакллантириш, ва бунда самарали ўқиш, катта ёшдагиларнинг ҳаёти давомида ўқишини давом эттириши учун зарурдир.

## 6. Curriculum globALE шарҳи

Мазкур бўлимда Curriculum globALEнинг алоҳида компонентлари ва курснинг умумий тузилиши батафсил кўриб чиқилади. Ушбу шарҳда келтирилган, ECTS (кредитларни ўтказиш ва йиғиш Европа тизими)нинг иш соатлари ва кредит пунктларига мос келувчи рақамлар СGнинг тўлиқ курси амалга оширилгандағина қўлланилиши мумкин. Агар курснинг айрим қисмлари доирасида аввал олинган таълимни тан олинса, бу ҳолда ўтилган материалга мос бўлган рақамлар тегишлича камайтирилиши мумкин.

Curriculum globALEнинг биринчи нашри билан таққослаганда ўқув соатлари миқдори – дастлабки (пилот) курс таҳлилига кўра соатлар миқдори оширилган.

Умумий ҳолда, ўқув дастури 830 соат ўқув юкламасидан иборат бўлган ECTS<sup>13</sup>нинг 33 ўтиш балларини қўлга

13. «Кредитларни ўтказиш ва йиғиш Европа тизими», ECTS таклифига кўра 1 балл 25-30 ўқув соатини ташкил этади.

киритишни назарда тутади. Бу 830 соат а) мавзуй блоклар ва б) турли хил таълим шакллари ўртасида тақсимланади.


Curriculum globALE ўқув дастури **мавзуй блоклар** нуқтаи-назаридан қуидагиларни ўз ичига олади:

- Битта кириш модули,
- Бешта мавзуй таянч модуллари,
- Танлаш учун 1-3 (ўлчамига боғлиқ ҳолда) факультатив модуллар.

Curriculum globALE ўқув дастурининг **таълим шакллари**га тааллуқлигига кўра қуидагиларни ўз ичига олади:

- Ҳар бир модул доирасида кундузги таълим босқичлари,
- Ҳар бир модул доирасида иштирокчиларнинг якка тартибдаги мустақил машғулотлари,
- Устоз ҳамроҳлиги/кузатувидаги амалиёт иши – иштирокчилар реал иш шароитларида ўрганганларини қўллайдилар ва таҳлил қиласидилар; тренерлар устозлик қиласиди ва маслаҳатлар беради.

Якуний баҳо ўзига турлича баҳолаш шакларини қамраб олиши мумкин, лекин ҳар қандай вазиятда ҳам амалиёт қисми бўлиши керак, масалан иштирокчи томонидан тренинг концепцияси ишлаб чиқилиши бўлиши керак. Агар **мавзуй блокларга** назар солсак, бир томондан таянч модуллар билан ва иккинчи томондан факультатив модуллар ўртасидаги нисбат 70:30 ни ташкил этади. Бу эса тахминан 570 соат ўқув вақти бешта мавзуй таянч модулларни қамраб олган мазмунга сарфланади, унда тахминан 170 соат факультатив модулга тегишли бўлган якка тартибида танланган мавзулар ва ўқув фанларига ажратилган.



Агар **таълим бериш шакллари** назар солсак, у ҳолда иштирокчиларнинг кундузги таълим босқичлари ва якка тартибдаги мустақил машғулотлари бир томондан ва кузатувдаги амалий ишлар иккинчи томондан 60:40 нисбатни ташкил этади. Бу иштирокчиларнинг тахминан 440 соати синф машғулотлари, шунингдек мустақил таёргарлик кўриш ва машқларни бажаришга сарфланишини англатса, у ҳолда тахминан 300 соат эса ўрганганларини ҳақиқий иш шароитларида қўллашга ва бу жараёнда устозлик қиласидиган ва маслаҳатлар берадиган тренер ёрдамида касб ҳақида фикрлашга сарфланади.

Ушбу тақсимотдан кўринадики, **кузатув остида амалиёт ишини** ўтказиш Curriculum globALE ўқув дастури доирасида катта аҳамият касб этади. У, мисол тариқасида қуидаги шаклларда бўлиши мумкин:

- Таълим жараёнида эгалланган тажрибадан назарияни ҳақиқий ҳаётда қўллаш, компетенцияларни янада ривожлантириш ва ишлов бериш учун фойдаланилади.

- «Амалиёт гурұхлари»даги касбий фикрлаш (рефлексия), ўзаро кузатувлар, мутахассисларнинг ишларини кузатиш, шунингдек таълим жараёнига таалуқли бўлган қайта алоқа ўрнатиш, четдан назар солған холда кимнингдир ўқитиши услубининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш учун зарур бўлган нуқтаи-назар/фикр/қарашларни таъминлади.
- Curriculum globALE ўқув дастури доирасида тренерларнинг устозлик қилиши ва маслаҳатлар бериси катталар таълимидаги амалиёт қийинчиликларини енгишга ва тажрибали ҳамкаслар билимидан фойдали жиҳатларни ўрганишга ёрдам беради.
- Ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш, режалаштириш ва шарҳлаш жараёнлари таълим берувчиларнинг маҳорат эгаси бўлиши ва таълим сифатининг узлуксиз ошиб бориши учун зарурй шарт-шароитлар ҳисобланади.

**Турли мавзуй модуллар** оралиғида кузатувдаги **амалиёт ишларини** ўтказиш бўйича тақсимланиши қатъий тарзда белгиланмаган. Муайян қоидаларга асосланган ҳолда иштирокчилар ўзларининг устувор масалаларини қўйишлари мумкин. Бирдан-бир ягона чеклаш қўйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- 250 соатлик кузатувдаги амалий ишлар бешта таянч модуллар доирасида, 50 соати эса факультатив модуллари доирасида амалга оширилиши керак.
- Curriculum globALE ўқув дастурининг ҳар бир модули кузатувдаги амалиёт ишлари доирасида 120 соатдан камида 25 соат ажратилишини назарда тутади. Бу қоида шунинг учун керак-ки, амалий иш етарли даражада мавзуларни кенг қамраб олиши ва барча иш кўлами ягона битта мавзуга бағишланиш вазиятини олдини олишда ёрдам бериши учун зарур бўлади.

Бундан ташқари, катталарга таълим берувчи сифатида ишлай олиш тажрибасига эга бўлган иштирокчилар учун 60 соатлик шундай тажрибани 300 соат талаб этиладиган амалий ишлар ҳисобига ҳисоблаш мумкин бўлган имконият мавжуд.

Мавзуй блоклар ва таълим шакллари орасидаги соатлар ва тегишли ўтиш балларининг тақсимоти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун 1-жадвалга қаранг.

Модулнинг номи	Асосий мазмун (мавзулар)	Ўқув юкламаси	ECTS
<b>Модул 0:</b> Кириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Curriculum globALE ўқув дастури ҳақида маълумотлар</li> <li>Ўқиш ҳақида маълумотлар</li> <li>Ўқишини ташкил этувчилар ҳақида маълумотлар</li> <li>Иштирокчиларнинг кутаётган натижалари ҳақида маълумотлар</li> <li>Curriculum globALE ўқув дастурининг иштирокчиларга нисбатан кутаётган натижалари</li> <li>Ўзаро муносабатларни ўрнатиш</li> </ul>	15 соат	0,5
<b>Модул 1:</b> Катталар таълимига ёнда-шув	<ul style="list-style-type: none"> <li>Катталар таълим мининг кўп қирралилиги ва турли-туманлигини тушуниш</li> <li>Катталар таълими миллий ва глобал миқёсда</li> <li>Катталарга таълим бериш касб сифатида, Curriculum globALEнинг нуқтаи-назаридаги катталарга таълим берувчи ўқитувчининг роли</li> </ul>	32 ўқув соатлари (~ 4 кун) 32 соат якка тартибдаги алоҳида машғулотлар ва баҳолар	2,5
<b>Модул 2:</b> Катталарни ўқитиши ва катталар аудитория-сига дарс бериш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Назария ва асосларни ўрганиш</li> <li>Катталарга таълим беришда дидактик фаролият</li> <li>Билим шакллари</li> <li>Катталарга таълим бериш</li> <li>Таълимда қизиқтириш/рағбатлантириш</li> </ul>	32 ўқув соатлари (~ 4 кун) 32 соат якка тартибдаги алоҳида машғулотлар ва баҳолар	2,5
<b>Модул 3:</b> Катталар таълимидаги коммуникация ва гурӯҳ динамикаси	<ul style="list-style-type: none"> <li>Катталарга таълим беришда коммуникация</li> <li>Катталарга таълим беришда гурӯҳ динамикаси</li> </ul>	32 ўқув соатлари (~ 4 кун) 32 соат якка тартибдаги алоҳида машғулотлар ва баҳолар	2,5
<b>Модул 4:</b> Катталар таълими методлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>Таълимда методларнинг интеграциялашуви</li> <li>Методлар шарҳи</li> </ul>	32 ўқув соатлари (~ 4 кун) 32 соат якка тартибдаги алоҳида машғулотлар ва баҳолар	2,5

Модулнинг номи	Асосий мазмун (мавзулар)	Ўкув юкламаси	ECTS
<b>Модул 5:</b> Катталар таълимини режалаштириш, ташкил этиш ва баҳолаш	<ul style="list-style-type: none"> <li>Катталарга таълим берувчининг фаолиятида профессионаллик даврийлиги босқичлари</li> <li>Эҳтиёжларни аниқлаш</li> <li>Режалаштириш</li> <li>Ташкил этиш</li> <li>Баҳолаш</li> <li>Сифатни таъминлаш</li> </ul>	32 ўкув соатлари (~ 4 кун) 32 соат якка тартибдаги алоҳида машғулотлар ва баҳолар	2,5
<b>Факультатив модуллар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Худудий-географик жиҳатдан боғлиқлик</li> <li>Мақсадли гурӯҳ билан боғлиқлик</li> <li>Ўкув фани билан боғлиқлик</li> <li>Вазият билан боғлиқлик</li> <li>Меъёрий боғлиқлик</li> </ul>	64 ўкув соатлари 56 соат якка тартибдаги алоҳида машғулотлар ва баҳолар	5
<b>Амалийётда қўллаш ва машқлар бажариш: 300 соат (с)</b>	- Асосий модуллар: 250 с., факультатив модуллар: 50 с. - Тақсимланиш модул ичida турлича бўлиб ўзгариши мумкин; асосий модул учун энг ками: 25 с., асосий модул учун энг кўпиги: 120 с. - Яна киритилиши керак: иштирокчилар камидаги 3 та ўзларининг машғулотларини тайёрлайдилар, ўтказадилар ва баҳолайдилар. (75 с.) - Тренинг ўтказиш бўйича иштирокчиларнинг 60 соатгача бўлган микдордаги аввалги тажрибалари амалийётда қўллаш сифатида ҳисобга олиниши мумкин.		12
<b>Якуний баҳолаш</b> (ўқитиш концепцияси ва амалда қўллаш): 75 с.			3
<b>Мажбурий модуллар бўйича жами:</b> 570 соат		160 с. ўкув соатлари 160 с. мустақил машғулотлар ва баҳолаш	12,5
		250 с. амалийёт бажариш	10
<b>Факультатив модуллар бўйича жами:</b> 170 соат		64 с. ўкув соатлари 56 с. мустақил машғулотлар ва баҳолаш	5
		50 с. амалийёт бажариш	2
<b>Кириш модули ва якуний баҳолар бўйича жами:</b> 90 соат		15 с. Кириш модули 75 с. Якуний баҳо	3,5
<b>Жами:</b>	<b>830 соат</b>		<b>33 ECTS</b>

**Curriculum globALE тузилиши:** батафсил шарҳ

Модуллар алоҳида блоклар сифатида қаралиши керак. Шунга қарамасдан, ўкув дастурини амалга оширишда ажратилиши ва эътиборга олиниши керак бўлган кўплаб мавзуий боғланишлар, шунингдек боғловчи омиллар мавжуд.

Бу, хусусан, «Катталарни ўқитиш ва катталар аудиториясида дарс бериш» ва «Катталар таълими методлари» модуллари орасидаги ўзаро боғлиқларига тегишлидир. Услубларга бағишиланган модул асосий дидактик тамойилларни ёритадиган «Катталарни ўқитиш ва катталар аудиториясида дарс бериш» модулига асосан тузилган. Ушбу модул дикқат марказида – назарий тамойиллар ўрин олган бўлиб, аниқ мисоллар (услублар)да тасвиранланган ва таҳлил қилинган бўлиши керак. «Катталар таълими методлари» модулида тескари ёндашув назарда тутилади: бу модул ўқитувчининг дидактик фаолияти доирасида турлича амалийт мақсадларида ишлатиладиган услубларнинг кенг тўпламини тақдим этиш учун хизмат қиласди. Бу, мазкур модул услубларни тақдим этиш ва синовдан ўтказиш билангина чекланиши кераклигини англатмайди. Аксинча, шунингдек кўриб чиқилган услубларни таҳлил қилиш ва уларнинг аввал ўрганилган назарий тамойиллар билан боғлиқларини ўрнатиш ўта муҳим масала ҳисобланади. Шундай қилиб, «Катталарни ўқитиш ва катталар аудиториясида дарс бериш» ва «Катталар таълими методлари» модуллари хеч қандай тарзда назария ва амалийтни қатъий иккита алоҳида блокка ажратишни акс эттирмайди, бунинг ўрнига назария ва амалиётга нисбатан ўзида ягона яхлитликни ифода этган турли йўналишларни кўриб чиқади.

Иштирокчилар томонидан зарур кўнилмалар эгаллаганлигини тасдиқлаш учун қуйидагиларни намойиш этишлари керак:

а) Ўз танловига кўра иштирокчиларнинг зарурияти ва эҳтиёжларига мувофиқ курс ишлаб чиқа олиш кў-

никмаси;

b) Гурухларда ўзгаришлар тамойили, катталар таълими психологияси ва ҳ.к. ларга мувофиқ равишда ўқув машғулотларини ўтказа олиш кўнимаси.

Мазкур кўнималар борлигини Curriculum globALE ўқув дастурларини амалга оширишга жавобгар тренерлар томонидан, машғулотларни режалаштириш/режаси бўйича хужжатларни ўрганиш, шунингдек иштирокчи томонидан ўтказилган ўқув машғулотларини кузатиш давомида ҳам аниқланиши мумкин

## **7. Curriculum globALE ўқув дастурини амалга ошириш бўйича тавсиялар**

Иштирокчилар, тренерлар ва ташкилотчиларга нисбатан бир қанча умумий шартлар қўйида келтирилган. Янада кўпроқ маълумот олиш учун CG сайтидаги қўшимча материалларга ёки Боннданги CG жамоасига мурожаат қилишингиз мумкин.

### **7.1 Кўп тарафли масалалар**

Факультатив модулларнинг предмети бўлган бир қанча мавзуу ва тамойилар мавжуд, лекин “Белен ҳаракатлар меъёрлари”дан тортиб кўпгина ҳалқаро хужжатларда таъкидланишича улар глобал миқёсда аҳамиятга эга бўлганилигидан, кўп тарафли масалалар сифатида кўриб чиқилиши керак (масалан, катталарга таълим берувчи ўқитувчи ижтимоий ролининг бир қисми, ўрганиш учун мўлжалланган материалнинг бир қисми, гуруҳда муҳокама қилиш учун мавзуу ёки бир қанча бошқа услублар ва ҳ.к.). Бу мавзулар/тамойилларга қўйидагилар киради:

- Иштирокчиларга гендер тенглиги ва уларнинг ўқув амалиётида гендер фарқини бартараф этишнинг асосий жиҳатларини мустаҳкамлаш имкониятларини бериши керак бўлган катталар таълимига гендер ёндашуви. Таълим бериш гендер масалаларда компетенцияларни, бошқа маданиятларга таъсирчаникни, фарқларга очиқлик ва гендер муаммоларини инобатга олиб ишлай олиш компетенциясини ошириши керак. Аёллар ва бошқа заиф гурухлар иштироки, жалб этилиши ва тенглиги, ҳукуқлари ва имкониятларини кенгайтириш – бу тамойиллар катталарга таълим берувчи ўқитувчининг ихтисослиги асосида ётади.
- Барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришлари инсон ҳукуқлари контекстида, аввало келажак авлодларнинг ҳукуқлари, улар ва атроф мұхит олдидағи мажбуриятлари кўриб чиқилмоқда. Бошланғич таълим ва катталар таълими Осиё-Жанубий тинч океани (ASPBAE) ассоциациясининг таъкидлашича: “Барқарор ривожланиш таълими” таълим олишга жуда кенг имкониятларни тақдим этади, бу эса инсонлар XXI асрда дуч келаётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ва экологик муаммоларни ечиш имкониятини берувчи қадриятлар, тамойиллар ва ривожланиш тажрибасини бирлаштириш вазифасини ўтайди<sup>14</sup>.
- “Белен ҳаракатлар меъёрлари”да таъкидланишича, катталар таълими барқарор ривожланиш, тинчлик ва демократияга кўмак бериши керак. Шундай қилиб, ўқув дастурини амалга ошириш ҳалоскорлик, инсонпарварлик ва демократик қадриятларга асосланган ва иштирокчилар ўз фаолиятларида ошкора, холис ва бошқа маданиятларга очиқ, таъсирчан бўлиш қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган. «Дунёнинг назарида зўравонлик низолари ўрнига адолатлиликка асосланган мулокот ва жаҳон маданияти кириб келади», деб ёзилган Катталар таълими ҳақидаги Ҳамбург декларациясида (Катталар таълими бўйича V Ҳалқаро конференцияси (CONFINTEA V)<sup>15</sup>, таълим олишда шундай мұхитни яратиш, шунингдек иштирокчиларни руҳлантириш қобилиятларини худди шу тарзда катталар таълими бўйича ўз амалиётини талаб қиласи.

### **7.2 Умумий ва вариатив элементлар**

Бутун дунёда, барча мамлакатларда фойдаланиладиган катталарни ўқитиш ва таълим бериш глобал дастурини яратиш ўта хилма-хил бўлган ижтимоий ва маданий шарт-шароитлар туфайли амалга ошириб бўлмайдиган вазифа бўлиши мумкин. Бироқ ушбу ўқув дастурини яратувчилари, Curriculum globALE ўқув дастурида катталаррга таълим берувчи ўқитувчининг роли қандай қабул қилиниши бутун дунёдаги катта аҳамиятга эга бўлган умумий қадриятлар ва тамойилларга асосланади, деб ўйлайдилар. Curriculum globALE ўқув дастури нуқтаи-назаридан, қўйидаги омиллар бутун дунё бўйича катталарга таълим берувчи ўқитувчиларни бирлаштиради:

- катталарни ўқитиш жараёнини қўллаб-кувватлаш вазифаси;
- катта ёшдаги таълим олувчиларни озод бўлишларига ва ўзини-ўзи англаб этишларига кўмаклашиш вазифаси;
- катта ёшдаги таълим олувчиларни «вояга етган», яъни ўзининг ўқиши жараёнига кучли таъсир қилувчи етук ва маъсулиятли инсонлар деб эътироф этиш/тан олиш.

14. <http://www.aspbae.org/node/46> (Охирги кириш санаси: 08.10.2015)

15. <http://www.unesco.org/education/uie/confintea/declaeng.htm> (Охирги кириш санаси: 08.10.2015)

Curriculum globALE ўқув дастури учун бу тамойиллар асос бўлиб хисобланади. Бундан ташқари, ўқув дастури алоҳида ҳолатларда эҳтиёжларни қондириши ҳисобга олиб, хилма-хиллик учун етарлича кенг имконият беради. Curriculum globALE ўқув дастури концепцияси мавжуд бўлган хилма-хил маданий ва урфодатлар, шунингдек, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий тузилмавий шарт-шароитларни эътироф этади/тан олади ва уларни тегишли тарзда эътиборга олади. Бу, қисман бешта асосий модуллар доирасида таълим дастурлари компонентларини эркин белгилаш туфайли амалга ошса, ва хусусан, ўқув дастурининг вариатив/ўзгарувчан қисмларининг мавжудлиги туфайли содир бўлиб, ҳеч қандай чекловларсиз жойлаштирилиши/ўзгартирилиши мумкин ва бу ўқув дастурининг умумий ҳажмининг 30 фоизини ташкил этади.

Вариативлик/ўзгарувчанлик ва эркин режалаштириш турли жиҳатларга тегишилидир:

- Ўзига хос, маҳаллий шартли эҳтиёжларни ифодаловчи ҳудудий-географик жиҳатлар. Маҳаллий шароитлар қанчалик ўзига хос бўлишидан қатъий назар, бу ўзига хос урф-одат бўладими, бошқа жойларга нисбатан алоҳида ҳудудлар, мамлакатлар, дунёнинг бурчакларида муҳим рол йўнайдиган маҳаллий жамият учун долзарб бўлган мавзулар ёки алоҳида концепциялар бўладими – булар ҳаммаси эътиборга олиниши мумкин.
- Мақсадли гуруҳларнинг ўзига хосликлари билан боғлиқ жиҳатлар (мазкур ҳолатда мақсадли гуруҳ деганда, ҳозирги вақтда курс иштирокчилари бирга ишләётган ёки келажакда ўз касбий фаолият доирасида ўқитувчи сифатида ишлайдиган катта ёшдагилар тушунилади): тегишли мақсадли гуруҳларга хос бўлган жиҳатлар ва характеристикаларга (жинси, ёши, маълумоти, касбий тажрибаси, этник тааллуқлилиги, жисмоний ёки ақлий заифлик ва ҳ.к.) боғлиқ ҳолда бўлишидан қатъий назар, миллий шарт-шароитларга боғлиқ ўзига хосликлар, ёки таълим дастурларида иштирок этиш орқали улараник нимага қизиқади ёки қандай мақсадларни кўзлайди (саводхонлик, имкониятларни кенгайтириш ва ҳ.к.), буларнинг барчаси ўқув дастурининг вариатив/ўзгарувчан қисмida мақсадга йўналтирилган асосий соҳалар сифатида яратилиши мумкин.
- Мавзулар қамрови ва ўзига хос предметларга боғлиқ жиҳатлар: бу жиҳатлар асосий мавзуй соҳаларни масалан таянч таълимда ёки касбий таълимнинг турли соҳаларида аниқлашдан бошлаб, анаъанавий ижтимоий таълим доирасидаги классик семинарларда тугатишгача ўқув дастурини аниқ шартлардан келиб чиқиб, ўзгартиришнинг бир қанча йўлларини таклиф этади. Заруратга қараб ўзига хос, профессионал даражада аниқланган билимлар компонентлари ва предметли дидактик элементлардан фойдаланилиши мумкин (масалан, лингвистик дидактика, саводхонлик ва ҳ.к.).
- Катталар таълимида бошқарув вазифалари: Curriculum globALE ўқув дастурининг асосий қисми ўқувчилар билан тўғридан-тўғри мулокотга киришадиган ўқитувчилар фаолиятига мўлжалланган. Агар ўқитувчилик ишига тайёргарлик ва бажариш учун бевосита керак бўлсагина шу ҳолатларда ташкилий, режалаштириш ва мувофиқлаштириш вазифалари қамраб олинади. Ўқитувчи томонидан катталарга таълим беришда бажариладиган кенг турдаги вазифаларни киритишда ўқув дастурининг ўзгарувчан/вариатив қисмидан фойдаланиш ва бунда муассаса ёки дастур даражасига тегишли бўлган режалаштириш, ташкил этиш ва бошқарувга доир масалаларни киритишга алоҳида эътибор қаратиб имкониятлар яртилган.
- Вазиятга боғлиқ жиҳатлар. Аниқ вазиятларда қўшимча имкониятлар аниқланиши мумкин: катталарга таълим берувчи ўқитувчининг касбий ихтисослигига ўзига хосликни талаб этадиган муайян лойихалар, қалтис вазиятларда, масалан мақсадга йўналтирилган тарзда коррекцион таълим дастурларини ўtkазиш мумкин бўлган одамларга зарурат бўлган сиёсий инқироз рўй берган ҳудудларда.
- Меърий боғлиқ бўлган жиҳатлар: айрим ҳолларда миллий қонунчилиқда белгилагандек, таълим хизматлари провайдерлари даражасида мавжуд меъёрларда ҳам катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг малакавий меъёрларга қўйиладиган талаблар мавжуд бўлиши мумкин. Ўқув дастурининг вариатив/ўзгарувчан қисмидан дастурни мавжуд малака стандартларига мувофиқлаштиришда фойдаланилиши мумкин.
- Ўқув дастурининг вариатив/ўзгарувчан қисмiga тўғри келадиган 30 фоизи, тавсиявий характерга эга. Мазкур қисмнинг улуши ҳам аниқ мамлакатнинг шароитларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Масалан, мавжуд стандарт кўп сондаги қўшимча вариатив/ўзгарувчан қисмларни киритишни мақсадга мувофиқ қилиши мумкин. Айрим ҳолларда иштирокчиларнинг тажрибаси ва компетенциялари эътиборга олиниши ва бутун ўқув дастурининг тузилишига таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай ҳолларда, ўқув дастурларининг вариатив/ўзгарувчан қисми доирасида ўтилиши керак бўлган ўқитиш ва таълим беришнинг тузиб чиқилган блоклари тегишли тартибида қисқартирилиши мумкин.

Ҳеч қачон ўқув дастурининг асосий қисми ва вариатив/ўзгарувчан қисми шунчаки бир механик тарзда аралаштирилиши керак эмас. Аксинча, ҳар иккала қисми ўзаро бир-бирига боғланган бўлиши керак. Вариатив/ўзгарувчан қисмлар ўқув дастурининг асосий қисми доирасида эгалланган компетенцияларни ривожлантириш ва кенгайтириш учун хизмат қилиши мумкин. Улар шунингдек, қўллаш ва ўқув дастурининг асосий қисмida кўриб чиқиладиган мазмунни танқидий баҳолаш учун маҳсус мўлжалланган. Вариатив/ўзгарувчан қисм мисоллар таҳлили ёки уларни қўллашнинг маҳсус услублари ва алоҳида жиҳат-

ларига йўналтирилган. Curriculum globALE ўқув дастурининг кенг қамровли имкониятлари туфайли аниқ бир контекстда қўллашга мослаштириш, яъни бу мамлакат, худуд, мақсадли грух, вазият ёки соҳа бўлсин, бир сўз билан айтганда, дастур турлича иштирокчиларнинг эҳтиёжларига мос келадиган таълимни ташкил этишга имконият яратади. Авваламбор, тавсиялар нисбий тарзда аҳамият касб этган ҳолда иштирокчилар ўқитувчилик амалиётини ўтаётганилиги боис, шунингдек улар якка тартибда/индивидуал/алоҳида ўзи таълим олиш имкониятига эгалиги дастурнинг географик ва маданий хилма-хилликка, умумий ҳолда катталар таълимининг турли эҳтиёжлари ва табақалашган хусусиятига мослашиш имкониятини яратади.

### **7.3 СGнинг “маҳаллий” версиясини ишлаб чиқиш**

Curriculum globALE ўқув дастури тақдим этилганидан кейин, у мавжуд катталарга таълим бериш тизими-нинг ривожланишига кўмак бериш учун аниқ институционал ва профессионал шароитларга мувофиқ мослаштирилиши керак. Бундан келиб чиқадики, Curriculum globALE ўқув дастури «алоҳида ягона» қарор сифатида амал қилолмайди, аксинча мавжуд мазмун/контекстга қўлланган/жорий этилган бўлиши керак.

Умумий тавсиялар қўйидагича:

- ўқув дастурини жойларда аввалдан мавжуд бўлган таълим схемалари билан ўзаро боғланишини таъминлаш;
- барча эҳтимолий манфаатдор томонларни жалб этиш;
- Curriculum globALE ўқув дастрини миллий сиёсат ва маҳаллий эҳтиёжлардан келиб чиқиб келишиш;
- Худуд миқёсида ўзаро хамкорлик килиш.

Curriculum globALE ўқув дастурларини маҳаллий шароитларга мослаштиришдан аввал ҳозирги пайтда қандай курслар ва концепциялар мавжудлигини аниқлаб олиш тавсия этилади; бу жараён мухим манфаатдор томонлар иштирокида ўтказилиши керак, улар таркибига одатда:

**Хукумат:** Таълим вазирлиги, Мехнат ва/ёки иктисодиёт вазирлиги, Ижтимоий таъминот вазирлиги, режалаштириш вазирлиги киради.

**Халқаро ташкилотлар:** ЮНЕСКО, таълим бўйича тармоқ мувофиқлаштрувчи грух, таълим учун Глобал ташкилот, манфаатдор халқаро НТ ва ривожлантириш ташкилотлари (рўйхати devdir.orgда берилган)

**Таълим соҳаси субъектлари:** университетлар, касб-хунар техника билим юртлари, ўқитувчиларни тайёрлаш марказлари, катталар таълим марказлари ва тегишли ташкилотлар, уларга асос солган ўқитувчилар ассоциациялари.

**Бошқа манфаатдор ташкилотлар:** палаталар, НТ ва қишлоқ туманларини ривожлантириш соҳасида фаолият юритувчилар.

Ушбу схеманинг якуний варианти маҳаллий анъаналар, устуворликлар ва эҳтиёжларга боғлиқ ҳолда сезиларли даражада фарқ қиласди. Ушбу маълумотлар асосида хукумат сиёсати ва дононорлар билан дастурни келишишни таъминловчи ва шу каби дастурларни амалга оширган иштирокчилар билан алоқа ўрнатувчи ишчи грух шакллантирилиши керак. Бундан ташқари, Curriculum globALE ўқув дастурини режалаштириш ва амалга ошириш учун эксперталар билан алоқалар ҳамда ресурсларга йўл очиқлиги таъминланган бўлиши керак. Таълим бериш концепциясини ишлаб чиқиш ишчи грух аъзолари билан муҳокама қилинган бўлиши, унинг амалга оширилиши имкон қадар кўпроқ умумий ресурсларни жалб қилган ҳолда бажарилиши керак.

Турли манфаатдор томонларнинг сўровларини қондиришни назарда тутувчи дастурни амалга оширишдан аввал мавжуд инфратузилма ва ресурсларни синчилаб ўрганиш талаб этилади. Айрим худудларда минтақавий ҳамкорлик ўқув материалларини биргаликда ишлаб чиқиш ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўли билан харажатларни камайтиришга ёрдам беради.

### **7.4 СG-тренингни амалга ошириш**

Модомики, ўқув дастури компетентликка йўналтирилган экан, алоҳида модулларнинг давомийлиги ва ҳажмига тегишли бўлган санаб ўтилган ташкилий меъёрлар амалиётда эришилган тажрибаларга асосланган бўлиб, ўзида тавсиявий хусусиятларни мужассам қилган. Агар иштирокчилар аввалдан муйян даражадаги билимларга эга бўлишса, давомийлиги анча қисқариши мумкин. Вақт меъёрлари нуқтаи-на заридан қаралганда ўқув дастурини амалга оширишни ташкил этиш учун, умуман олганда, кун давомида ўтказиладиган машғулотларнинг интенсив курсидан бошлаб, то узоқ муддатли давр мобайнида дастурни қисқа ўқув блокларига бўлишгача бир нечта моделлар билан амалга ошириш мумкин.

Иштирокчиларнинг мустақил ўқишлиари билан боғлиқ бўлган фазалар/даврлар билан ўқув блокларининг чекланган уйғунлашувига катта аҳамият бериш керак бўлади. Масалан, амалиётда синаб кўриш ва ўрганилган материални таҳлил қилиш каби ўқитишнинг фазалари билан алмашадиган “мустақил равишда ўқиш фазалари” қамраб олинган модель идеал деб қаралади. Ўқитиш, ўргатиш ва методларга бағишиланган модулларда идеал ҳолат иштирокчилар аввал ўқитувчилик билан шуғулланган бўлишлари керак.

- Ўқув машғулотларнинг фазалари иштирокчиларни мустақил ўқиш фазаларига тайёрлаши ва таҳлил

бўйича мақсадли ишлар ва топширикларни бажариш давомида ўрганилган, ўзлаштирилган материалларни маҳорат билан қўллашга ёрдам бериши мумкин. Шундай қилиб, назария ва амалиёт энг мақбул тарзда уйғунлашиши мумкин.

Модулларнинг тартибига кўра: 1 ва 2 модуллардан бошлаш тавсия этилади, чунки у катталар ўқиши ва уларга таълим беришни тушуниш ҳамда таянч назарий билимлар беради. 3 ва 5 модулларнинг кетма-кетлигини ўзгариши мумкин.

СГ ўқув дастурларини амалга ошириш учун шароитларга тааллуқли айrim умумий талабларга риоя қилиш лозим бўлади:

### **Жой/хона ҳолатига қўйиладиган талаблар**

Машғулотлар ўтказиладиган жой/хонага қўйиладиган талаблар катталар ўқиши тамойилларига асосланган бўлиши керак. Катталар учун маҳсус мослаштирилган жой/хона талаб этилади. Бу умуман олганда, жой/хона алоҳида катта, комфорт қуайликлар ёки юқори сифатли мебеллар билан жиҳозланган бўлиши керак дегани эмас. Бу жой/хона шунчаки анъанавий парталарда ўқувчилар ўтириши ва улар олдида ўқитувчи туриб маъруза ўқиши учун мўлжалланган синф хоналаридан фарқли бўлиши керак. Катталар бу синф хоналарида ўзларини эркин сезиши ва кичик гуруҳларда ишлашлари ва машқларни бажаришлари учун етарлича жойга эга бўлиши керак. Бу дастурларда батафсил аниқ кўрсатиб ўтилмаган бўлса ҳам, тренерлар дидактик воситалар нуқтаи-назаридан ўзларининг тасарруфида тегишли ахборот ва техник воситаларга эга бўлишлари керак. Бунинг моҳияти шундан иборатки, жой/хона воситаларнинг минимал тўплами билан жиҳозланган бўлиши, яъни синф доскасига қўшимча равишда маъруза доскаси, флипчарт, пўкакли доска ва фасилитатор кутичаси керак бўлади. Имкон қадар, айниқса, ахборот-коммуникация технологиялар соҳасида саводхонликка қўйиладиган умумий талабларини ҳисобга олган ҳолда, видеопроектори билан компьютер тақдим этилган бўлиши керак.

### **Иштирокчилар**

Иштирокчиларга ҳеч қандай малака талаблари қўйилмайди. Бироқ, ўқув дастури доирасида амалий ишларга ва уни таҳлилига алоҳида аҳамият берилар экан, иштирокчилар эгаллаган компетенцияларини ҳаётий вазиятларда қўллашлари керак. Энг яхши ҳолатда иштирокчилар таълим дастурларида иштирок этгунларига қадар катталар таълими соҳасида ўқитувчилик тажрибасига эга бўлишлари керак. Ҳар қандай вазиятда ҳам, улар таълим дастурларида иштирок этиш пайтида шундай ишга кириша олиш имконятига эга бўлишлари керак.

### **Ўқитувчилар**

Ўқув дастурини режалаштириш ва ўқитувчилик фаолиятига қўлловчи шахслар (ўқитувчилар, тренерлар ва ҳ.к.)га қўйиладиган талаблар расман белгиланмаган. Бироқ, катталар таълими соҳасида чуқур билимлар ва ушбу соҳада шахсий иш тажрибасига эга бўлишлик минимал мажбурий талаблар сирасида киради. Алоҳида ҳолатларда катталарга таълим бериш соҳасида иш тажрибаси бўлмаган, тегишли соҳаларнинг (масалан, психология ёки лингвистика) мутахассислари таклиф этилиши мумкин, бироқ улар дастур сифатини таъминлаш мақсадида тажрибали ўқитувчилар билан бир жамоага бириктирилган бўлиши керак.

### **Таълимни ташкил этиувчилар**

Curriculum globALE ўқув дастурини амалга оширувчи муассасалар Curriculum globALE ўқув дастурларининг иштирокчилари учун сифатли таълим муҳитини таъминлашда тегишли касбий йўналишларга (билимлар, тренерлар ва иштирокчилар билан алоқа, шунингдек инфраструктура нуқтаи-назаридан) эга бўлиши керак. Битта ташкилот ўқув дастурига киритилган барча элементларни бирданига таклиф этолмаслиги мумкин, шунинг учун бу ишни бир нечта ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириш нафақат таълимни сифатини яхшилайди, балки катталар таълими соҳасида алоқалар ва тажриба алмашинувни йўлга қўйишига кўмаклашади.

Бу талабларнинг ҳажмини оширмаслик бўйича англанган ҳолда айrim мамлакатларда инфраструктуранинг ўйқилиги сабабали умуман бажариб бўлмайдиган расмий талаблар натижасида ўқув дастурини амалга ошира олмасликни бартараф этиш учун қарор қабул қилинган.

## **8. Сифатни таъминлаш ва мониторинг**

### **Мониторинг ва ёрдам**

Дастурларни мослаштириш жараёнида Немис катталар таълими институти (DIE) ва DVV International ҳамкорликда DVV International офиисларини ва мослаштиришда қатнашган бошқа манфаатдор ташкилотларга таълим дастурларини тайёрлаш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқув материалларини ишлаб чиқишида ёрдам кўрсатиб, мос келадиган фасилитатор ва тренерларларни излаб топиш, шунингдек дастурни амалга ошириш давомида ҳар қандай муаммоларни юзага келиши мумкин бўлган ҳолларда узлуксиз маслаҳатлар бериб қўллаб кувватлайди.

Шериклар билан яқин ҳамкорлик натижасида Curriculum globALE ўқув дастурлари мазмунининг барқарор-

лиги ва тузилишига нисбатан шахсий тажриба түпланиб боради. Бундан ташқари, бу жамоа учун дастурни амалийтда синаб кўриш санъатини янада чукурроқ тушунишга, сабоқ олиш имкониятига ва келгусида қўллаш учун хulosалар қилишга имконият яратади.

Дастурни амалга ошириш сценарийларига тегишли ҳужжатлар туфайли, яқин муносабатлар нафақат дастурнинг юқори сифатли бўлишига хизмат қиласди, балки расмий кўрсаткичлар тўплами билан биргаликда Curriculum globALE ўқув дастурларини такомиллаштириш жараёни натижалари ва юзага келадиган хавф ва тўсиклардан фойдаланишни таъминлашга кўмак беради.

### **Ўқув дастурининг сифат кўрсаткичлари (индикаторлар) ва мониторинг тизими**

Юқорида эслатиб ўтилганидек, Curriculum globALE ўқув дастурини баҳолашнинг таянч нуқтаси таълим олиш хуқуқи бўлиб, ривожланишга кўмаклашишни баҳолаш учун Ривожланишга кўмаклашиш Қўмитаси ОЭСР<sup>16</sup> томонидан таянч асос сифатида ишлатилади (2 жадвалга қаранг).

Бундан ташқари, режалаштирилмаган ва тескари самаралардан қочиш керак бўлади (масалан, тренерларни тайёрлаш дастурларини режалаштириш Curriculum globALE ўқув дастурларидан фойдаланишни мураккаблаштиради). Curriculum globALE ўқув дастури ва материални тегишли тарзда етказиш ҳам якуний лойиҳага имкон қадар кўпроқ маълумот олиш мақсадида иштирокчилар билан таҳлил қилинади.

Мезонлар	Асосий савол	Адресатлар:	Мониторинг мезонлари	Манба	Изоҳ
<b>Долзарблиги</b>	Curriculum globALE ўқув дастури тегишли мамлакат ёки худудда жамиятнинг эҳтиёжларини қондиришга қанчалик ёрдам беряпти?	Curriculum globALE ўқув дастурини амалга оширишда қатнашадиган иштирокчилар, тренерлар ва ҳамкорлар	Тегишли мамлакатда ўқитувчиларнинг касбий маҳорати қай даражада долзарб бўлди? Curriculum globALE ўқув дастури ҳамкор ташкилотларнинг устувор вазифаларини бажара олдими? Ҳамкорлар учун салоҳиятни ошириш қизиқарлими?	Гурухли ва якка тартибдаги интервью, анкеталар	Жамоатчилик миқёсидағи фаоллик сезиларли даражада 30% факультатив модуллар ва ҳамкорларнинг умумий фаолияти фокуси орқали аниқланади.
<b>Натижадорлиги</b>	Мақсадларга эришилганлик: • Умумий дастлабки меъёрларни бериш орқали катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини ошириш. • Катталар учун таълим хизматлари кўрсатувчи провайдерларга ўқитувчилар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам бериш. • Бутун дунёдаги катталарга таълим берувчи ўқитувчилар ўртасида тажриба алмашиб ва ўзаро тушунишни қарор топтиришга кўмак бериш.	Curriculum globALE ўқув дастурини амалга оширишда қатнашадиган иштирокчилар, тренерлар ва ҳамкорлар	Ўқитиш натижасида қайси соҳаларда иштирокчиларнинг ўқитувчилик қобилиятлари қанчалик ошган? Иштирокчилар эгаллаши керак бўлган компетенцияларни эгаладиларми? Curriculum globALE ўқув дастури ўқитиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қанчалик фойдали бўлди? Curriculum globALE ўқув дастури қай даражада билимлар алмашинувига ёрдам беради?	Гурухли ва якка тартибдаги интервью, анкеталар	Натижадорлик мазкур ўқитиш дастурларининг сифатига жуда кучли боғлиқдир (сўз тренерлар ва концепция ҳақида бормоқда)

Мезонлар	Асосий савол	Адресатлар:	Мониторинг мезонлари	Манба	Изоҳ
<b>Самарадорлиги</b>	<p>Иштирокчи ўқитувчиларнинг эҳтиёжлари қандай чоралар ёрдамида кам харажатлар билан қондирилиши мумкин?</p> <p>Бошқа қандай самарали йўллар тренерлар тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиша ҳамкорларни қўллаб қувватлашда фойдали бўлиши мумкин?</p> <p>Қандай қилиб кам харажатлар билан катталарга таълим берувчи ўқитувчилар ўртасида тажриба/билим алмашишига эришиш мумкин?</p>	Curriculum globALE ўқув дастурини амалга оширишда қатнашадиган иштирокчилар, тренерлар ва ҳамкорлар	<p>Curriculum globALE ўқув дастурини амалга оширишда қандай қийинчиликлар вужудга келди?</p> <p>Тренерларнинг эҳтиёжларини қондириш учун харажатларни баҳолаган ҳолда муқобил тадбирларни аниқлаш, касбий тайёргарлик режаларини ишлаб чиқиш ва тажриба/билим алмашинувига кўмак бериш</p>	Манфатдор томонлар иштирокида ақлий ҳужум	Ўқитиш концепциясини ишлаб чиқиш усули самарадорларигини материалани ифода этиш усули самарадорларигидан ажратиб бўлмайди
<b>Таъсири</b>	Учламчи мақсадли гурӯх аъзолари иштирок этиш ва /ёки ҳаёт шароитини яхшилаш маъносида наф кўрдими?	Ўқитишка иштирок этаётган ўқитувчилар томонидан ўтказилган тренинг қатнашчилари	<p>Ўқув дастурининг мазмуни тўғри келдими ва у материал юксак маҳорат билан ўтилдими?</p> <p>Иштирок этувчилар рағбатлантирилдими?</p>	Анкеталар	Ўқув дастурларининг мазмуни, ҳолати, етказиш усули, сифати мухим рол ўйнаганлигини аниқлаш қийин
<b>Барқарорлик</b>	<p>Curriculum globALE ўқув дастурлари молиялаштириш тугагандан кейин ҳамкорлар томонидан қандай қилиб фойдаланилади?</p> <p>Лойиҳа тугагандан кейин бир йил ўтгандан сўнг, катталарга таълим берувчи ўқитувчилар ўртасидаги алоқлардан фойдаланиладими?</p>	Curriculum globALE ўқув дастурини амалга оширишда қатнашадиган иштирокчилар, тренерлар ва ҳамкорлар	Асосий саволга қаранг	Келажакда бўладиган интервью	

## Муаллифлардан миннатдорчилик

Curriculum globALE ўқув дастурининг муаллифлари лойиҳани ишлаб чиқиш ва мавжуд концепцияларни дастлабки таҳлилни амалга оширишда фаол иштирок этганлиги учун Леван Квачадзега, ўқитишининг концепциясини батафсил ишлаб чиқкан доктор Маркус Хёфффер-Мелмерга ўз миннатдорчиликларини билдиради. Бундан ташқари, жамоа аъзолари Layout Manufaktur (Берлин, Германия) компаниясидан Бианка Шписга ва The Sign (Ереван, Армения) компаниясидан Гарегина Мартirosянга Curriculum globALE ўқув дастурларининг логотипини ишлаб чиқиша кўрсатган ёрдами учун миннатдорчилигини билдиради.

Салоҳиятни ошириш, сифат ва маслаҳат беришни ривожланитириш Немис халқ университетлари вакиллари иштирокидаги ишчи гуруҳлари билан муҳокама қилинган бўлиб, улар томонидан Curriculum globALE ўқув дастурларининг тузилиши ва кўлами бўйича фойдали шарҳлар берилди. 2012 йил 3-4 декабр кунлари ўтказилган семинарда иштирок этган эксперталар томонидан ҳам қимматли ҳисса қўшилди<sup>17</sup>.

Curriculum globALE ўқув дастурларининг биринчи нашри ҳаммуаллифлари Йеско Вайкерт ва Др. Катарина Попович алоҳида таҳсинга сазовор, худди шунингдек Людвигсхafenдаги университетнинг катталар таълими ва таълим менежменти факультети профессори Ингеборг Шюслер ҳам дастурларни ишлаб чиқиш давомида қимматли маслаҳатлари ва шарҳларини берганлиги учун алоҳида таҳсинга сазовордирлар.

Биргаликдаги ишлар доирасида Curriculum globALE ўқув дастурларини ишлаб чиқиша иштирок этган барчага миннатдорчилик билдирилади.

Curriculum globALE ўқув дастурлари қайта алоқа ва шарҳлар/изоҳлар/таклиф-мулоҳазалар учун очиқдир. Агар сиз ўқув дастурларидан фойдаланишга қизиқсангиз ёки уни келгусида кейинги такомиллаштириш жараёнларда иштирок этишни истасангиз, илтимос, Curriculum globALE жамоаси аъзоларидан бирортаси билан боғланинг (жамоа аъзолари рўйхати ва уларнинг алоқа маълумотларини [www.curriculum-globale.de](http://www.curriculum-globale.de) сайтидан топиш мумкин).

17. Иштирок этган эксперталар: Эмир Авдагич, DVV International, Босния ва Герцеговина; Майя Аврамовска Трпевска, DVV International, Македония; проф. Дж. Уильям Аткинсон, Университет Квазулу-Натал, Жанубий Африка; Анита Боркар, ASPBAE, Хиндистон; Др. Кайлаш Чаудхари, IAEA, Хиндистон; Тана Червински DVV International, Германия; Филипп Дедойрвэрдер-Хаас, Шимолий Рейн- Вестфалия ерлари худудий халқ университетлари ассоциацияси, Германия; Др. Марта Фаррелл, PRIA, Хиндистон; Др. Марион Фляйге, Техника университети Хемниц ш., Германия; . Маркус Хёфффер-Мельмер, Иоганн Гутенберг номидаги Майнц университети, Германия; проф. др. Вольфганг Юtte, Билефельд университети, Германия; Сузанна Латтке, DfE, Германия; проф. др. Хенинг Пэтцольд, Кобленц-Ландau университети, Германия; Др. Катарина Попович, Белград университети, Сербия; Ангел Марсело Рамирез Эрас, Guanchuro, Эквадор; Др Михаэль Шлемманн, Юстус Либих номидаги Гисен университети, Германия; Др. Беате Шмидт-Белау, DVV International, Германия; Проф. Сайд Юсуф Шах, IAEA, Белград; Мадух Сингх, UIL, Германия; Галина Веремейчик, DVV International, Беларусь; Йеско Вайкерт, DVV International, Германия; Фатима Ясин, Direction de la Lutte Contre l'Analphab tisme (Саводсизликни тугатиш бўйиша курашиб маркази), Морокко

## Адабиётлар

- CEDEFOP (2013): Trainers in continuing VET: emerging competence profile. Luxembourg: Publications Office of the European Union
- Council of the European Union: Council Resolution on a renewed European agenda for adult learning. In: Official Journal of the European Union C 372 of 20.12.2011
- European Commission: Communication from the Commission: Adult learning: It is never too late to learn. Brussels, 23.10.2006. COM(2006) 614 final
- European Commission: Communication from the Commission to the Council, the European Parliament, the European Economic and Social Committee and the Committee of the Regions: Action Plan on Adult learning. It is always a good time to learn. Brussel, 27.09.07. COM(2007) 558 final
- European Parliament/Council of the European Union: Recommendation of the European Parliament and of the Council of 23 April 2008 on the establishment of the European Qualifications Framework for Lifelong Learning. In: Official Journal of the European Union C 111 of 06.05.2008
- OECD: The definition and selection of key competencies. Executive summary. Online: <http://www.oecd.org/dataoecd/47/61/35070367.pdf>, 2005 (Last accessed: 04.08.12)
- UNESCO: Harnessing the power and potential of adult learning and education for a viable future. Bel m Framework for Action. CONFINTEA VI. Bel m, 4 December 2009
- UNESCO Institute for Lifelong Learning (UIL): Global Report on Adult Learning and Education. Hamburg 2009
- UNESCO Institute for Statistics (UIS) (2012). International Standard Classification of Education, ISCED 2011. Montreal: UNESCO Institute for Statistics

### 0-Модул: Кириш

#### Мақсад:

Ушбу кириш модулининг мақсади шундан иборатки, иштирокчиларни Curriculum globALE ўқув дастури билан танишириш ва улар ушбу ўқув жараёнини муваффакиятли ўтишлари учун замин яратиш:

- Биринчидан, иштирокчилар ўқув дастурларига тегишли бўлган ўқув дастурининг умумий мақсадлари ва фалсафаси каби, ўқув жараёнини ўтиш учун тааллуқли амалиёт масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда барча зарур ахборотлар билан таъминланади.
- Иккинчидан, иштирокчиларга ўз навабтида шахсий (касбий) тажрибаси ва ўз эҳтиёjlари ҳамда ўқишиндан кутаётгандарини ифодалашга имконият яратилади, шунингдек ушбу провайдер томонидан амалга оширилаётган таълим хизматлари таълим дастурларининг керакли мослаштириш жараёнидан ўтишини таъминлайди.
- Учинчидан, ушбу кириш модули иштирокчилар ва фасилитаторларга ўзаро бир-бирлари билан алоқа ўрнатишига, ахборот алмашишга ва конструктив таълим мухитини яратиш учун касбий муносабатларни ўрнатишига имконият яратади.

#### Шакли/шамойили

Энг яхши ҳолатда ушбу кириш модули бир кун давом этадиган иштирокчилар ва фасилитаторларнинг учрашуви шаклида ўtkазилади. Иштирокчилар ва тренер/фасилитаторлар ўртасида ахборот алмашинуви ва мунозаралар ўtkазиш учун Интернет форумда ёки электрон почта орқали ўқув дастурлари ҳақида маълумотларни тақдим этиш учун муқобил сифатида босма ва/ёки онлайн материаллардан фойдаланиш мумкин. Бироқ ушбу модулнинг мақсади нафақат маълумотларни тақдим этиш, балки ўзаро муносабатларни ўрнатиш эканлигини эътиборга олиб, таълимнинг бошланғич босқичларида кейинги мавзуй модулларга ўтишга киришмасдан олдин, барча жалб этилган шахслар билан юзма-юз учрашув ўtkазиш таклиф этилади. Ҳар қандай ҳолда, ушбу модул доирасида мuloқot қилиш турли йўналишларда бўлгани ўта мухимdir. Ва бунда далилий ахборотларни алмашишдан ташқари, тренер/фасилитаторлар ҳам, иштирокчилар ҳам ўқишлар бўйича ўз умидларини ва талабларини очиқ ва аниқ ифодалаб бериш имкониятига эга бўлишлари керак.

#### Мазмуни

Кириш модули қуйидаги мазмунни ўз ичига олади:

#### Curriculum globALE ўқув дастури ҳақида маълумот

- Curriculum globALE ўқув дастури ҳақида асосий маълумот, фалсафаси ва тамойиллари
- Ўқув дастурининг мақсади
- Ўқитишининг вазифалари ва эгалланадиган компетенциялар
- Алоҳида модуллар учун умумий кириш қисми.

#### Ўқиши ҳақида маълумот

- Ўқиши жараёни тузилиши
- Ўқиши шакллари
- Назарда тутилган ўқув жараёни ва методлари
- Коммуникация шакллари ва йўллари
- Дарс жадвали
- Машғулотлар ўtkазиладиган жой

#### Ўқиши ташкилотчилари ҳақида маълумот.

- тренер/фасилитаторлар ҳақида шахсий маълумот: касбий маълумоти ва узлуксиз катталар таълими соҳасидаги иш тажрибаси
- тренер/фасилитаторлар билан боғланиш
- Маъмурият ва ёрдамчи ходимлар билан боғланиш бўйича маълумот

#### Иштирокчиларнинг кутаётган натижалари ҳақида маълумот

- Иштирокчиларнинг шахсий маълумотлари: касбий маълумоти ва узлуксиз катталар таълими соҳасидаги иш тажрибаси

- Иштирокчиларнинг кутаётган натижалари ва талаблари

#### **Curriculum globALE ўқув дастурининг иштирокчилардан кутаётганлари**

- Фаол ўқишга тайёрлиги бўйича талаблар
- Таълим мазмунини таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш бўйича талаблар

#### **Ўзаро муносабатларни ўрнатиш**

- Бир-бирлари билан танишиш
- Кейинги муроқотлар учун иштирокчилар ва тренер/фасилитаторлар билан алоқа маълумотларини алмашиши

#### **Навбатдаги тадбирлар: кутаётган натижаларни ҳисобга олиш**

Кириш модули давомида ва иштирокчиларга тааллуқли ва уларнинг кутаётган натижалари бўйича олингандан маълумотлардан ўқишини индивидуал контекстга мослаштириш учун асос сифатида фойдаланиш мумкин. Мослаштириш асосан иккита йўналишда амалга оширилади:

- Бешта мавзуй таянч модуллар учун ўқув фанларини танлаш иштирокчиларга татбиқ мослаштирилиши мумкин, масалан, биринчи навбатда иштирокчилар фаолият олиб бораётган соҳалардан мисоллар танлаб олиниши йўли билан (масалан, саводхонликка ўргатиш, демократик таълим, ҳамжамиятларнинг имкониятларини кенгайтириш, касбий кўниммаларга ўргатиш ва ҳ.к.)
- Иштирокчиларнинг кутаётган натижалари асосида факультатив модулнинг ўрганиш фанини аниқлашда фойдаланиш мумкин (факультатив модуллар). Бу модулларнинг концепциялари асосий сифат мезонларига риоя қилинган ҳолда етарли даражада эрkin тузилиши мумкин. Шундай қилиб, факультатив модуллардан маҳсус индивидуал эҳтиёжаларга мослаштирилган таълимни таъминлаш учун мавжуд бўлган ресурслар доирасида имкониятга қараб фойдаланиш керак.

Таълимни мослаштиришнинг учинчи усулини тамойил кўринишида тақдим этиш мумкин: Curriculum globALE ўқув дастурлари давомида эгалланиши лозим бўлган компетенцияларнинг бир қисмини аввалдан ўзида шакллантирган иштирокчилар дастурнинг тегишли қисмини ўқишдан озод қилиниши ёки ҳамкор тренер сифатида жалб этилиши мумкин. Бироқ, бунинг учун аввалги олган таълимни эътироф этиш бўйича тегишли жараёнлардан ўтиш керак бўлади. Бу каби механизмлар ҳали умумий қабул қилинган даражада эмаслигидан, ҳозирги кунда фақат алоҳида ҳолатлар учунгина қўлланилади. Шундай бўлсада, яқин келжакдаги ўзгаришлар асосида бўлиб, катталарга таълим берадиган ўқитувчилар учун аввалги таълимни эътироф этишнинг айрим услугуб ва воситаларини ҳозирги кунда қўллаш имконияти мавжуд бўлиб, Curriculum globALE ўқув дастурлари мақсадлари учун мослаштирилиши мумкин.

## 1-модул: Катталар таълимига ёндашув

### Компетенция<sup>18</sup>

*Curriculum globALE дастури бўйича ўқитилган мутахассислар, катталар таълими сектори функциялари ва хусусиятларини ва унинг ижтимоий жиҳатдан аҳамиятини, шунингдек бошқа ҳолатлар ҳамда кенгроқ ҳалқаро миқёсидаги рамкалар билан солиширган ҳолда билади ва тушунадилар. Улар мазкур ҳолатда ўзларининг профессионал ўрнини аниқлашга қодирлар.*

### Curriculum globALE дастури бўйича таълим олган мутахассислар

- катталар таълими амалиёти, инсониятнинг турли ғоялари ва таълимнинг турли хил тушунчалари билан шакллантирилганини тушунади, катталар таълими ва ахлоқий жиҳати, этикаси бўйича умумий тушунча бўйича тасаввурга эга бўладилар;
- катталар таълим мининг хилма-хиллигини ва унинг маданий шартлилигини тушунади; ўз мамлакатида таълимнинг турли шакллари билан танишлар ва катталар таълим мининг турли шакллари билан кенг қўлланиладиган асосий атамаларнинг маъно ва мазмунини тушунадилар;
- катталар таълими соҳасидаги фаолиятининг контекстига боғлиқ бўлган ҳалқаро тенденциялар ҳақида умумий тушунчаларга эгадирлар;
- бу соҳада мавжуд бўлган хилма-хилликда катталар таълими соҳасида ўзларининг иш жойларининг ўрнини аниқлашга қодирлар;
- мазкур контекстда катталар учун ўқитувчи сифатида ўз ролини аниқлашга қодирлар;
- ўз мамлакатидаги, минтақадаги ва ҳалқаро миқёсда катталар таълими билан боғлиқ ҳуқуқий тизимнинг муҳим шартларини яхши билади;
- катталар таълими тизимида мавжуд молиялаштиришнинг мураккаб шаклларини ажратиб кўрсатиш, таснифлаш ва тушунтиришга қодирлар;
- катталар таълими билан боғлиқ асосий сиёsat йўналиши бўйича тушунчага эгадирлар;
- ўз минтақасида, мамлакатида шунингдек ҳалқаро миқёсда катталар таълими соҳасида энг муҳим ижрочилар ҳақида тушунчага эгадирлар;
- катталар таълими соҳасига таалуқли индивидуал ижрочиларнинг вазифалари ва манфаатларини танқидий таҳлил қилиш имкониятига эгадирлар.

### Бошқа модуллар билан ўзаро боғлиқлик

Ушбу модулнинг асосий мақсади катталар ўқиши ва таълим мининг умумий концепциясини, шунингдек катталар таълими билан боғлиқ асосий тушунчалар ва жиҳатлар бўйича танқидий фикрлашни ривожлантириш. Шу маънода ушбу модул барча бошқа модуллар билан ўзаро боғланиши учун асос яратади. Ушбу модулдаги асосий тушунчалардан бири бўлган катталар таълими маданий шартлилиги, бошқа модулларда ҳам акс эттирилиши керак, масалан, ўқитиш услублари (4-модул) ёки баҳолашни ўрганиш ва тест қилиш ҳақида гапирганда (5-модул), турли таълим назарияларини кўриб чиқиш ҳақида (2-модул) ёки коммуникация ва грух динамикасини англаш (3-модул), бундан ташқари, катталар таълими учун мотивация ва иштирок этиш (2-модул) катталар таълими муайян шароитда ташкил этилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ушбу модулнинг ўзига хос алоҳида мавзусини ифодаловчи катталар ўқитувчисининг ўрни, унинг профессионал позицияси ва қадриятлари мавзусига ўқиши ва дидактик фаолият тамоиллари (2-модул)ни ўрганишда қайта мурожаат қилиш керак, шунинг учун иккинчи модулни ўрганишда биринчи модулга мурожаат қилиш тавсия этилади.

### Мавзулар

#### Катталар таълим мининг хилма-хиллиги ва кўп қирралилигини тушуниш

- Педагогика/андрагогика тамоиллари:
  - Асосий антропологик ҳолат, инсон тушунчаси, таълим, ижтимоийлашув
  - Таълим назарияси, таълим концепцияси, катталар ўқиши
  - Катталар таълими ахлоқи/этикаси
- Ушбу соҳани англаш: «Катталар таълими» нима ва у нимани ўз ичига олади?
  - Катталар таълими ва бошқа таълим соҳалари ўртасидаги фарқ
  - Катталар таълими ва ҳаёт давомида ўқиши
  - Катталар таълими назарий концепциялари ва замонавий таърифлари
  - Асосий концепцияларини тушуниш (масалан, расмий, норасмий ва информал, х.к.)

18. Ушбу модулдаги компетенция таърифлари тор маънода ҳаракат қилиш қобилияти эмас, балки кейинги модулларда тавсифланган асосий билимлар тўплами ва компетенцияларни масъулият билан татбиқ қилишидир

- Турли амалиёт соҳалари: масалан, касб-хунар таълими, катталар ўқишининг муниципал тизими.
- Ижтимоий-тариҳий контекстнинг ўрни
  - Катталар таълими ва таълимнинг маданий шартлилиги
- Катталар таълими функциялари ва афзалликлари
  - Нима учун катталар таълими?
  - Катталар таълими соҳасидаги манфаатлар
    - + Таълим олувчиларнинг;
    - + Жамиятнинг;
    - + Иқтисодиётнинг;
    - + Давлат тузилмаларини (шаҳар, вилоят, республика миқёсида);
    - + Таълим соҳасининг
  - Катталар таълим мининг афзалликлари
    - + шахсий;
    - + ижтимоий;
    - + иқтисодий;
    - + глобал
  - Катталар таълими гендер жиҳатлари
- Катталар таълимида иштирок этиши рағбатлантирувчи роли
- Катталар таълим мининг чекловлари ва имкониятлари
- Катталар таълимида мавжуд қувват нисбати
- Катталар таълими ўкув фани сифатида

#### **Катталар таълими миллий ва глобал контекстда**

- Катталар таълими бўйича миллий ва халқаро тенденциялар
- Катталар таълими сиёсатининг асосий хусусиятлари
- Миллий вазифалар: катталар таълими тизими мавжудлигининг умумий мазмуни
- Соҳанинг асосий иштирокчилари
  - маҳаллий;
  - миллий;
  - халқаро;
  - катталар таълими бозори-талаб ва таклиф;
  - мақсадли гурӯҳлар
- Миллий шароитлар
  - норматив қоидалар;
  - катталар таълимини молиялаштириш
  - статистик маълумотлар(узлуксиз таълимда иштирок этиш ва ҳ.к.)

#### **Катталар таълими касб-хунар сифатида, Curriculum globALE ўкув дастури нуқтаи-назаридан катталар учун ўқитувчи ўрни**

- Катталар таълимининг касб сифатида ўзига хос хусусиятлари
- Катталар таълими соҳасида касбий ўсиш-фаолият бошланиши ва мартаба ошиши
- Катталар ўқитувчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари – ҳуқуқий тизим шароитлари
- Ўз ролини таҳлил қилиш
  - Биографик нуқтаи-назар: нима учун мен катталар таълими соҳасида ишлашни хоҳлайман?
  - Этник нуқтаи-назар: муносабат, масъулият (ўз ҳаракатларининг таъсири)
- Шахсий компитентлилик: иш вақтларини режалаштириш тамойиллари, ўз-ўзини бошқариш малакаси, ўз-ўзини намоён қилиш
- Илмий йўналтирилган иш: тадқиқотлар натижаларини талқини, статистика ва ҳ.к.

#### **Тавсия этилган адабиётлар рўйхати:**

- Freire, Paulo. Pedagogy of the Oppressed. New York, 2007
- Elias, John L.; Merriam, Sharran B.: Philosophical Foundations of Adult Education, Malabar, 1995
- World Education Forum, Dakar, Senegal. 2000. The Dakar Framework for Action. Education for All: Meeting our Collective Commitments. Paris, UNESCO.

## Амалга ошириш бўйича тавсиялар:

Катталар таълими ижтимоий контекстнинг кучли таъсирида бўлганлиги сабабли, ушбу модул шу контекстга бошқа модуллардан ҳам кўпроқ боғлиқ бўлиши керак. Иштирокчиларнинг аввалги тажрибасини бошланғич нуқта сифатида қабул қилиш ва модул мазмунини уларнинг мамлакати/минтақасида катталар таълими сектори учун хос бўлган аниқ бир вазият атрофида жойлаштириш тавсия этилади. Юқоридаги мавзулар ушбу модулда акс эттирилиши мумкин бўлган саволларга асос бўлади. Бирок, ҳар бир мавзуни бирма-бир кўриб чиқиш шарт эмас ёки тавсия этилмайди. Аксинча, мураббийлар ва иштироқчиларга улар учун катта қизиқиш уйғотадиган мавзуларни танлаш ва уларни батавсил кўриб чиқиш таклиф этилади. Муайян контекстнинг хусусиятлари (яъни ўз контекстини) билан танишиш учун бошқа контекстларни ва муқобил тушунчаларни таққослаш ва кўриб чиқиш имконият бўлиши керак. Шундай қилиб муайян контекст билан боғлаш ушбу модулнинг муҳим хусусиятларидан бири бўлиб, умумий асосни таъминлаши керак, шунга қарамай, вақти-вақти билан кенгроқ истиқболларни очиш ва мақсадга мувофик бўлганда катталар таълим мининг ҳақиқий контексти ва иштирокчиларга таниш бўлган бошқа мавжуд шароитлар билан таққослаш тавсия этилади. Масалан, катталар таълими нуқтаи-назарига кўра жуда кўп турли мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Масалан, диққат марказида меҳнат бозори билан боғлиқ бўлган кўнікмаларнинг ривожланиши ёки ўзаро тушуниш ва ижтимоий бирлашувни тарғиб қилиш ёки одамлар ва жамоаларнинг ўз тақдирини бошқариш учун имкониятларини таъминлаши ва бошқа масалалар бўлиши мумкин. Агар, иштирокчиларнинг тажрибаси асосан маълум бир мақсадга боғлиқ бўлса, ушбу модул уларга катталар таълими билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган бошқа мақсадлар билан танишиш имконини бериши керак. Ушбу модулнинг мавзуси тартибга солиниши шарт эмас. Методологик жиҳатдан «Катталар учун ўқитувчи»си концепцияси ва ўрни билан бошлаш фойдали бўлиши мумкин ва бу концепцияни ушбу соҳанинг характеристикаларини чукур ўрганишдан олдин иштирокчилар таржимаи холлари билан боғлаш мумкин. Мавжуд мавхум аналитик маълумотлар билан шахсий нуқтаи-назар ўртасидаги мувозанатга эришиш ушбу модулнинг муҳим таркиби қисми бўлиши керак. Шунинг учун, имкон қадар иштирокчиларнинг шахсий тажрибасига мурожаат қилиш қатъян тавсия этилади.

## Амалий қўлланилиши ва рефлексия/ўзига назар

Ушбу модулни амалга оширишнинг асосий мақсади-катталар таълими асослари ва тамоилларини, шунингдек, иштирокчиларнинг тажрибаси жиҳатидан ҳам, назарий жиҳатдан ҳам тақдим этиш.

Бу қисман иштирокчиларда мавжуд бўлган билимлар билан белгиланади, чунки тегишли воситалар тақдимот усуллари, ўз-ўзини тадқиқ қилиш ва гуруҳ ишларини ўз ичига олади. Лойиха ташрифлари, айниқса, агар муайян муассаса билан ҳамкорликни кучайтириш бўлса, фойдали қўшимча бўлиши мумкин. Муайян вазифа-бу тузилмавий элементлар ёки илмий маълумотлар ва иштирокчиларнинг шахсий ҳолати ва ёшлар таълим мининг муайян контекстида катталар ўқитувчисининг роли. Бундай муносабатлар кичик гурухларда ишлаш ёки ижодий усуллардан фойдаланиш, шунингдек алоҳида аналитик вазифаларни қўллаш орқали шакллантирилиши мумкин. Катта ёшлилар учун ўқитувчи сифатида ўзининг иш контекстини катталар таълими ҳақидаги кенгроқ ва кўпроқ умумий билимлар асосида таҳлил қилиш ушбу модулнинг асосий элементи бўлиши керак.

## Тавсия этилган ҳажм:

- 32 ўқув соати (~4 кун)
  - 32 соат якка тартибдаги дарслар ва баҳолар
- Амалий қўллаш ва машқлар, масалан лойиха ташрифлари
- Эҳтиёжга қараб ўзгарувчан (25 дан 120 соатгача)

## 2-модул: Катталар үқиши ва катталар аудиториясига дарс бериш

### Компетенция:

*Curriculum globALE* дастури бүйича үқитилган мутахассислар таълим назариясини биладилар ва ўз дидактик фаолиятлари билан боғлай оладилар. Улар катталар үқишининг мотивацион, психологияк ва ижтимоий хусусиятларини яхши биладилар ва режалаштириш ва үқитиш вақтида уларни ҳисобга оладилар.

### Curriculum globALE дастури бүйича үқитилган мутахассислар Curriculum globALE

- мактаб таълимига нисбатан катталарни үқитишнинг асосий хусусиятларидан хабардор;
- шахсни үқишини бошлишига сабаб бўлган шахсий сабабларни аниқлай олиши ва таълим олувчиларнинг мотивациясини ошира олади;
- ўрганишга ҳалақит берадиган тўсиқларни аниқлаш, имкон қадар уларга қарши курашиб имкониятларини аниқлай олади;
- ўқув жараёнининг энг муҳим психологик моделлари ва уларнинг ўқув жараёни учун аҳамиятлилиги билан таниш;
- Таълим жараёнида барқарор ютуқларга эришиш учун катталар билан режалаштириш ва тўғридан-тўғри алоқалар жараёнида турли йўналишлардан фойдаланишга қодир.

### Модуллардо боғлиқлик

Ушбу модул таълим назарияларига эътиборини қаратади ва ўқув жараёни тушунишни таъминлайди. Шундай қилиб, у катталар таълими назарияси, таълимнинг идроки, ишлаши, муайян контекстда үқиш билан узвий боғлиқ (1-модул). Шу билан бирга, у катталар аудиториясини (4-модул) үқитишда турли хил иштирокчилар билан мулоқот қилиш учун муҳим асосдир (3-модул). Хусусан дидактик принциплар методлардан фойдаланиш билан боғлиқ (4-модул), лекин улар шунингдек, катталар учун үқитувчиларнинг касбий позицияси ва уларнинг роли билан хам боғлиқ (2-модул ва 5-модул).

### Мавзулар

#### Таълим асоси ва назарияси:

- Ўқиш нимани анлатади?
- Катталар таълимида турли назариялар тамоиллари ва ўқиш асослари, масалан:
  - Конструктивизм
  - Илм-фан таълим назарияси
  - Феноменологик англаш назарияси
  - Трансформатив ўқиш
  - Бихевиоризм
  - Нейробиологик ўқиш назарияси
- Турли таълим назарияларида «устоз-шогирд» муносабатлари
- Андрагогика катталар таълими ва ўқитиши ҳақидаги фан

#### Катталар таълимида дидактик фаолият

- Турли назариялар ва ўқиш асосларининг иштирокчиларнинг дидактик фаолиятига таъсири
- Катталар таълимнинг дидактик тамоиллари
- Иштирокчига йўналтирилганлик
  - Тажрибага йўналтирилганлик
  - Ҳаёт тарзига йўналтирилганлик

#### Билим шакллари

- Кристалланган ҳаракатчан билимлар
- Декларатив ва амалий билимлар

#### Катталар ўқиши

- Катталар қандай ўқийдилар?
- Турли ёшдагиларнинг ўқиш қобилиягини ўзgartариш
- Ўқиш турлари:
  - Когнитив ўқиш

- Эмоционал ўқиш
- Хатти-харакатга йўналтирилган ўқиш
- Тажриба асосидаги ўқиш
- Уларнинг маданий муҳитида анъанавий ўқиш шакллари
- Ўқишда қарама-қарши вазиятлар қийинчиллик сифатида

### **Таълимда мотивация**

- Иштирокчиларни ўқишига ундовчи сабаблар
- Психологик сабаблар
- Гурух/жамият аъзолигидан келиб чиқадиган сабаблар
- Ижтимоий-демографик сабаблар
- Етарли бўлмаган таълим даражаси ва таълим тизимидан четлашиш билан боғлиқ сабаблар
- Таълимда иштирок этишга тўсиқ бўлувчи ташқи омиллар ва таълимда иштироки/тўсиқлар
  - + Ижтимоий-демографик омиллар/атроф муҳит
  - + Чегараланган шароитлар
- Харажатлар
- Вакт
- Жой
- Давомийлик
- Муддатлар
- Гендер сабаблар

Куйидаги омиллар катталар таълими соҳасида ишлайдиган педагоглар учун тегишли компетенцияларга эга бўлиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга:

- Педагогнинг маданий муҳити билан алоқаси
- Аниқ фаолият мазмунига доир олинган ахборотларни таснифлаш
- Заруриятга қараб кам аҳамиятли ахборотларни киритиш ёки киритмаслик

### **Тавсия қилинадиган адабиётлар**

- B langer, Paul: Theories in Adult Learning and Education. Opladen & Farmington Hills 2011
- Jarvis, Peter: Lifelong Learning and the Learning Society, New York 2007
- Mezirow, Jack (Ed).: Learning as Transformation: Critical Perspectives on a Theory in Progress. San Francisco 2000
- Patzold, Henning: Learning and Teaching in Adult Education, Contemporary Theories, Opladen 2011

### **Амалга ошириш бўйича изоҳ**

Катталар тълими илмий назариялар асосида кўриб чиқилиши сабабли, тегишли дидактик тайёргарлик йўли билан индивидуал ривожланишга етарлича эътибор қаратиш лозим. Кўргазмали тақдимотлар, интерактив ўқитиш каби ахборот узатиш усулларидан фойдаланган ҳолда ўрганувчиларга ролли йўинлар ва симуляция орқали тажриба орттириш имкони берилади. Бундан ташқари иштирокчиларга гурӯҳ бўлиб ишлаш, индивидуал вазифаларни бажариш жараёнида ўз педагогик фаолиятига ҳам эътибор қаратилади. Лойиҳа иши доирасида орттирилган тажриба таҳлил қилиниши мумкин.

Curriculum globALE дастури бўйича ўқитилган мутахассислар иштирокчиларнинг қандай хусусиятларга эга эканлигини ва улардан дидактик фаолиятларида қандай фойдаланишлари мумкинлигини таҳлил қила олишлари керак. Бундан ташқари, уларни таълимни мустақил равишда – расмий ёки норасмий таълим тизими доирасида давом эттиришларига ундаш керак.

### **Амалий фойдаланиш ва рефлексия**

Ушбу модулнинг назарий қисмida тренердан интерактив ёндошув талаб этилади. Ушбу ёндашув турли хил ўрганиш назарияларини акс эттирадиган турли хил ўкув вазиятларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин. Таълимнинг турли босқичларида иштирокчиларнинг ҳаётий ва касбий тажрибаси турли назарияларга мос келадиган мисоллар сифатида олиниши мумкин. Шу билан бирга, ўзларининг ўкув жараёни, шунингдек, курсда қатнашиш мотивлари алоҳида мавзулар учун кириш ва/ёки материал сифатида муҳокама қилиниши мумкин. Гуруҳ иши давомида таълим жараёнида иштирок этишга ва ўкув жараёнида иштирок этишга тўсқинлик қилувчи тўсқиқларни таҳлил қилиш мумкин бўлади, тегишли ўкув машғулотлари ҳам таклиф қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Қатнашувчилар ўзларининг маҳаллий контекстларига диққат қилишлари ва ушбу нуқтаи-назардан муайян масалаларни муҳокама қилишлари мумкин (масалан, чегаралangan шароитлари, тегишли дидактик фаолият ва бошқалар).

### **Тавсия этиладиган ҳажм**

- 32 ўкув соати (~ 4 кун)
- 32 соат якка таритибда машғулотлар ва баҳолар

Амалий қўллаш ва машқлар:

- эҳтиёжга кўра (25дан 120 соатгача) вариативлик асосида

## 3-модул: Катталар таълимида коммуникация ва гуруҳ динамикаси

### Компетенция

*Curriculum globALE дастури бўйича ўқиган мутахассислар коммуникациянинг назарий тамойиллари билан танишадилар ва улардан катталарни ўқитишда ва таълимий ишларда фойдаланиш кўникмаларига эга бўладилар. Шунингдек, бундай мутахассисларлар гуруҳ динамикаси асосий назариялари ҳақида ҳам билимга эга бўлиб, ушбу билимларни гуруҳ билан ишлашда муроқот жараёнларини бошқариш учун ўқитиш/таълимий фаолиятда қўллашлари мумкин.*

### Curriculum globALE дастури бўйича ўқиган мутахассислар

- Вербал, шунингдек паравербал ва новербал алоқа қоидалари билан танишлар ва ушбу билимлардан курс иштирокчилари билан ишлашда қўллайдилар;
- Интерактив, конструктив, асосли коммуникациянинг алоҳида қисмларидан фойдалана олади;
- Алоқадаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ёки камайтириш кўникмаларига эгадирлар;
- Ўзининг коммуникация услуги билан ижобий мухитни ҳосил қила оладилар;
- Алоқанинг турли услубларига мослашадилар ва иштирокчиларни машғулот давомида ва таълим бериш жараёнида йўналтира оладилар;
- Гурухнинг “кўринмас” тузилишини ва гуруҳ алоқасини идрок қила оладилар; улар таълимнинг барқарор муваффақиятини таъминлаш учун гурухнинг ривожланиш суръати жараёнларини англаш, тушуниш ва йўналтириш хусусиятларига эгалар;
- Таълим бериш жараёnlари ва гурухнинг динамика суръати босқичларини бир-бирига мослаштирадилар;
- Гурухда юзага келадиган муаммоли вазиятлар ечимини топа оладилар, низоли ҳолатларни бартараф қилишлари ва “оғир табиатли” иштирокчилар билан ишлай ишлай оладилар;
- Катталарни ўқитишда эмоционалликнинг мұхим ўрин тутишини яхши тушунадилар.

### Бошқа модуллар билан ўзаро боғлиқлик

Ушбу модул методлар (4-модул) билан яқиндан боғлиқлигини асосий сабаби шундаки, у бошқа кўплаб методларнинг қўлланилиши учун асос саналади: аъло даражада алоқа қилиш ва гурухни бошқаришнинг қонун-қоидаларини ўзлаштирган иштирокчилар курс давомида тўлиқ тушунтирилмаган ва амалиётда қўлланилмаган методлардан ёки у ҳақда озгина маълумоти бўлган бир қанча янги методлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Шу билан бирга ушбу модул 1 ва 2 модулларнинг асосан катталарни ўқитиш усуллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мазмуни ва мотивациялари билан ўзаро боғлиқ. Тақдим этилган қарашлар катталар билан ишлашда қўлланилиши керак бўлган алоқа методлари билан бевосита боғлиқ. Бундан ташқари, таълим олаётганлар гуруҳида мос муроқот ва яхши мухит энг мұхим мотивацион омиллар саналади, агар улар тўғри танланмаган ва ижобий бўлмаса, катталарга таълим беришда энг катта тўсиқ бўлиши мумкин. Шу тариқа ушбу модул катталарни ўқитиш ҳақидаги энг умумий масалалар бўйича амалий ечимлар бўлиши, шунингдек кўпинча ўқитувчилар ва таълим олаётганлар ўртасидаги муносабатларга тегишли таълим бериш назарияларининг алоҳида жиҳатларини аниқ кўрсатиб бериши мумкин.

### Мавзулар

#### Вояга етганларда коммуникация

- Коммуникатив атамалар, моделлар ва коммуникатив назариялари тамойиллари
- Катталарга таълим бериш назариялари ва уларнинг коммуникатив концепциялари
- Коммуникациянинг асосий элементлари ва ўзига хосликлари
- Коммуникациянинг турлари ва даражалари:
  - Коммуникациянинг кўринадиган - информатив даражаси
  - Коммуникациянинг кўринмайдиган - эмоционал даражаси
  - Вербал, паравербал ва новербал коммуникация
- Коммуникация тамойиллари (мулойим, мотивацияловчи/ рағбатлантирувчи, ўзаро в.х.)
- Коммуникация компонентлари ва техникалари (фаол эшитиш; алоқа даражалари; мұхокамага ҳалақит берувчи алоқа воситаларидан қочиш; саволлар қўйиш)
- Тескари алоқа, ўқиш мазмунида танқид қилиш ва уни қабул қилиш
- Гурухли ва индивидуал коммуникация

- Куч ишлатилмайдиган ва ассертатив коммуникация; кўллаб-кувватловчи ҳамда имкониятларни кенгайтирувчи коммуникация
- Ўқитиш ва таълим бериш жараёнида коммуникациянинг турли услублари билан ишлаш
- Машғулотлар ва ўқитиш жараёнида коммуникатив тўсиқларни англаш ва бартараф этиш
- Машғулотлар ва ўқитиш бериш коммуникатив бошқарувнинг жиҳатлари ва методлари
- Маданиятлараро коммуникация, мулоқотда маданий ўзига хосликларни ҳисобга олиш
- Ижтимоий медиа ва рақамли алоқа
- Гендер омиллари билан белгиланадиган гендерга асосланган тил ва коммуникация
- Коммуникацияга таъсир кўрсатувчи маҳсус омиллар:
  - Жинси
  - Хилма-хиллик
  - Турғунлик
  - Маданият
  - Мазмун
- Ички коммуникация асослари
- Ташқи коммуникация асослари (жамоатчилик билан алоқалар, маркетинг)

### **Катталар таълимида гуруҳли динамика**

- Таълим бериш ва ўқитиш жараёнлари учун гуруҳ динамикасининг аҳамияти
- Гуруҳ динамикасининг назарий тамойиллари
- Таълим берилаётган гуруҳнинг шакллари ва характеристикалари
- Гуруҳларнинг ривожланиш босқичлари (мазмун ва муносабатлар даражаси)
- Гуруҳ маданияти шакллантириш – ўрни, кичик гуруҳ, иерархия, қадрият ва қоидалар
- Гуруҳнинг динамикаси жараёнларининг тузилиши
- Гуруҳ билан ишлаш моделлари (масалан, тематик ўзаро таъсир, социометрия ва б.)
- Гуруҳнинг динамикасини бошқариш ва унга таъсир қилиш учун ишлатиладиган ишлаш қоидалари, методлари ва усуллари
- Ўқитиш/таълим бериш гуруҳида катталар билан ишлайдиган ўқитувчининг турли вазифалари (тренер, модератор, фасилиратор, раҳбар, медиатор, консультант, инструктор ва б.) ва кўп вазифалик ишнинг мураккаблиги
- Муаммо ва низоларни ҳал қилишнинг коммуникатив стратегиялари, низоларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш қобилияти
- Қийин вазиятлар ва муаммоли иштирокчилар билан ишлаш методлари ва усуллари

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

- Connolly, Brid: Adult learning in groups. 1. publ. Maidenhead 2008
- Intercultural Learning T-kit, Council of Europe, Strasbourg Cedex 2000
- Johnson, David Read; Emunah, Ren e (eds.): Current Approaches in Drama Therapy Springfield 2009

### **Модулни амалда жорий қилиш бўйича изоҳлар**

Ушбу модул билан ишлаш учун методологик турли-туманлик талаб этилади. PowerPoint форматидаги қисқа тақдимотлардан бошланадиган (масалан, коммуникатив назарияларни кўрсатиша) ва расмлар, видеоқайдлар ва қисқа фильмлар, шунингдек таниш ҳолатлар ва шахслардан фойдаланилган мисоллар асосида диаграмма ва график моделлар (алоқа моделлари) билан тугайдиган методларни кўллаш орқали алоқанинг алоҳида томонларини тушунириш ва кўрсатиш мумкин.

Ушбу модул назарий қисмни ўз ичига олса ҳам, у кўп сонли аниқ мисоллар ёрдамида тасвирлаб берилиши керак. Ушбу ҳолатда турли-туман методлар ва масалага ижодий ёндашиш тавсия этилади. Иштирокчиларга тажриба алмашишлари, ўзларининг шахсий тажрибаларини айтиб беришлари, ўзининг мулоқот услуги ва турли гуруҳлар билан ишлаш тажрибасини таҳлил қилишлари ва турли материаллар, методлар ва ёндашувлардан фойдаланишлари учун етарлича очиқ мулоқот қила олишлари мумкин бўлган табиий ва бир-бирига ишонч муҳитини ҳосил қилиш жуда муҳим саналади.

## Амалий қўллаш ва рефлексия

Жонли мисоллар билан ишлаш, олдинги модуллар, иштирокчилар тажрибаси ва муҳитдан аниқлаштириладиган масалалардан фойдаланиш тавсия этилади. Ўқитувчилар иштирокчиларни ўзларининг алоқа услубини таҳлил қилишга ва шахсий ҳаёти ҳамда касбий фаолиятидан мисоллар келтиришга рағбат уйғотиши керак (ўз-ўзини танқид қилиш маъқулланади). Рефлексия жараёнларини қўллаб-қувватлаш муҳим жиҳат саналади, бунда тренернинг иштирокчилар билан алоқаси муҳокама қилинадиган ва тавсия этиладиган ҳолатлар учун яхши намуна бўлиши керак (асосан мажбурламаслик, авторитар бўлмаган ва конструктив алоқага нисбатан). Реал вазиятларнинг таҳлилига бағишлиланган кичик машқлар ва сессиялар, кичик гуруҳлардаги ролли ўйинлар, симуляциялар ва ишлардан фойдаланиш тавсия этилади. Таълим бериш жараённининг самарадорлигини таъминлаш, ҳаётда ва ишда ўзлаштирилган кўникмаларни қўллаш ва узоқ муддатли натижаларга эришиш учун интерактив фаол ёндашувдан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш керак.

Умуман олганда, айнан иштирок этувчиларнинг шахсий ҳаётидан ва касбий тажрибасидан қўллаб мисоллар олиш талаб этилади. Иштирокчилар турли гуруҳлар билан ишлаш тажрибасини таҳлил қилишлари керак бўлади. Ўтмишдан ҳамда жорий ҳолатлар, шунингдек айни содир бўлаётган жараёнлар кўриб чиқилиши ва таҳлил қилиниши мумкин. Катталарга таълим берувчи ўқитувчилар асосан шахсий тажриба натижалари ва мисолларини таҳлил қилишлари талаб этилади. Шундай қилиб, ҳар хил турдаги методлар мавжуд: кичик гуруҳларда ишлаш, график тақдимотлар, кичик ҳажмдаги социометрик машқлар, расмлар ва қисқа фильмлардан фойдаланиш. Шунингдек, гуруҳнинг ўсиш суръати мавзусига тегишли методлар ҳам мавжуд: психодрама, ролли ўйинлар, назорат қилинадиган диалог, НАСА, хизмат автомобили, минора қуриш каби ўйинлар, бундан ташқари, одатий гуруҳ ҳолатлари ҳосил қиласиган ва масала тушинтирилайдиган машқлар.

### Тавсия қилинадиган ўқув соати:

- 32 ўқув соати (4 кун)
- 32 соат якка тартибда машғулотлар ва баҳолар

### Амалий қўллаш ва машқлар:

- Ўзгариши мумкин (25 соатдан 120 соатгача), заруриятга қараб.

## 4-модул: Катталар таълими методлари

### Компетенция

*Curriculum globALE дастури бўйича ўқиган муттахасислар катталарни ўқитиш методларини биладилар ва мос келувчи мақсадли гурӯҳлар билан ишлашда мақбул ўқув натижаларга етишиши учун қўллай оладилар.*

### Curriculum globALE дастури бўйича ўқиган муттахасислар

- катталар таълими усуларининг кенг доираси билан танишиб чиқади ва уларнинг кучли ва заиф томонларини, чекловлари ва имкониятларини таҳлил қила олади;
- курснинг барча босқичларида вазиятга мос бўлган тегишли усулларни танлашга қодир;
- асосий методлар мажмуасини таҳлил қила олади ва мустақил қўллайди;
- тегишли мақсадли гурӯҳ билан ишлашда барқарор ўқув натижаларига эришиш учун усуллардан фойдалана оладидилар.

### Модулларро боғлиқлик

Ушбу модул бошқа модуллар доирасида олинган билим ва компетенцияларнинг амалий қўллаш учун идеал мос келади. Ҳар бир мавзу алоҳида усулларни қўллаш, намойиш этиш, тақдим этиш ёки таҳлил қилиш учун материал сифатида фойдаланилиши мумкин. Мавзулар бошқа модуллар доирасида кўриб чиқилиб, қамраб олинган мавзулар муайян мезонлар (мақсадли гурӯҳ, вақт, ресурслар ва бошқалар) билан биргаликда услубнинг барқарорлиги нуқтаи-назаридан таҳлил қилиниши мумкин. Масалан, гурӯҳлар катталар таълим мининг турли хилларини тақдим қилишининг энг афзal усулини (2-модул) танлаши, катталар таълим мининг афзалликларини (1-модул) солишириш ёки гурӯҳ ичидаги коммуникатив муаммоларини барта-раф этиш усулларини кўриб чиқиши мумкин (3 модул).

Бошқа модулларда турли иштирокчилар ёки алоҳида мавзулар билан ишлаш учун қандай усуллардан фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилиши мумкин ва мазкур модул доирасида ушбу ғоялар амалга оширилиши мумкин.

### Мавзулар

#### Ўқитишнинг инегратив усуллари

- Методлар ўзи нима?
- Мувофиқ усулларни танлаш мезонлари қандай?

#### Методлар таҳлили

- Умумий таҳлил: методларнинг типологияси
- Интерактив методларнинг аҳамияти ва фойдали жиҳатлари
- Мақсадли гурӯҳлар жинси, маданияти ва бошқа хусусиятларига методнинг мувофиқлиги.
- Кириш методлари
  - Музёарлар
  - Танишув ўйинлари
  - Машғулотдан кутилаётган натижаларни муҳокама қилиш
- Ахборотни узатиш, билим олиш ва мазмунини ривожлантириш методлари
  - маъruzalar
  - Тақдимотлар
    - + Суҳбат техникаси
    - + Интерактив ўқитиш
    - + Намойиш
    - + PowerPoint
    - + Флип-чарт ва ҳоказо.
- Гурӯҳли фаолият методлари
  - + Лойиҳа методлари, гурӯҳли вазифалари
  - + Ўқув тўғараклари, тўрт бурчакли усул ва бошқалар.
  - + Аралаш шакллари: 5x5 усули, сендвич усули
  - + Компьютер ёрдамида ўзаро ўрганиш

- Мустақил үқиши
  - + Якка тартибдаги дарслар
  - + Ўқув кундалиги
  - + Үқиши техникаси
  - + Компьютерга асосланган үқиши
  - + Таништирувчи ташриф
    - + Мустақил ўрганишни қўллаб-қувватлаш ва мустақил ўрганиш қобилиятларини яратиш усуллари
- Социал ва эмпирик үқиши
  - + Мунозара
  - + Ролли ўйинлари, симуляциялар
  - + Психодрама
  - + Семинарлар, «Жаҳон қаҳваси», «Open space» усуллари
  - + Кўчма машғулот: Маҳаллий шароитда үқиши бўйича
  - + Лойиҳа иши
  - + Муаммони бартараф қилиши
  - + Биографик таълим
  - + Иштирок этиши усуллари
- Креатив усуллар
  - + Ақлий ҳужуми
  - + Кўргазмалилик
  - + Ҳайкаллар
  - + Рақс
  - + Театр
  - + Ёзув ижодкорлиги
- Модерация усуллари
  - модераторнинг мураббий, ўқитувчи, билимлар таржимонининг ролидан фарқли равишдаги ўрни
  - Модерация қоидалари
  - Савол тузиш техникаси
  - Модерация усуллари
- Энерджайзерлар ва диққатни ошириш усуллари
- Якунловчи методлар
  - Якуний сессия ва тегишли методлар
  - Натижаларни мустаҳкамлаш
  - Ўқув жараёни бўйича қайта алоқа
- Мустақил ташкил этиши методлари

Катталар таълими соҳасида ишлайдиган ўқитувчилар учун бирламчи босқичдаги аҳамияти нуқтаи-назаридан қўйидаги компетенциялар мухим аҳамиятга эга:

- Иштирокчиларнинг мустақил фаолияти нуқтаи-назаридан аниқ усулларни қўллаш;
- Ҳеч қандай мукаммал услуб йўқлигини, аммо усулларни танлаш ҳар доим ҳам қўйидаги омиллар ўртасидаги мувозанатнинг натижаси эканлигини тушуниш керак: гурӯх, шароитлари, ўқув мақсадлари ва таълим берувчи;
- Гурӯх ичida ижтимоий динамика доирасида усулларнинг мақсадли навбатлашуви.

Бундан ташқари, ўқитувчи ишлайдиган мақсадли гурӯх ва дастур доираси бўйича ушбу соҳа учун усулларни мақсадли танлаб олиниши керак (масалан, жамоани ривожлантириш ва оилавий таълим).

### Тавсия этилган адабиётлар рўйхати

- Pretty, Jules N.; Guijt, Irene; Scoones, Ian; Thompson, John: A Trainer's Guide for Participatory Learning and Action, London 1995
- Society for Participatory Research in Asia (PRIA): A Manual for Participatory Training Methodology in Development, New Delhi 2011
- Training Essentials, T-kit, Council of Europe publishing, Strasbourg Cedex, 2002

### Амалга ошириш бўйича эслатма

Ушбу усууларни фақатгина назарий жиҳатдан ўрганиш мумкин эмас, бунинг ўрнига, улар таълим жараёнида амалда намоён бўлиши керак, ушбу модул дикқат маркази ахборот алмашинувига, усууларни синаш ва таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу модулнинг ҳиссаси модерация ва баҳолаш каби алоҳида мавзуларни киритиш ҳисобланади. Ушбу модулдаги маълумотлар модерация ёки баҳолаш каби алоҳида мавзуларни олиб боришга бағишланган. Модул таҳлил ва муҳокамалар билан бирга кўплаб машқларни ўз ичига олиши керак. Дикқат айрим дастур усууларини кўллаш учун меъзонлари таҳлилларига, шунингдек, катталар ўқитувчисига муносиб қўлланиладиган алоҳида услублар ва талабларнинг имкониятлари ва чекловларига йўналтирилган бўлиши лозим. Ушбу модулда асосий эътибор катталар таълимида ўқитувчининг эътибори алоҳида методлар имкониятлари ва чекловлари ҳамда талаблари, шунингдек, алоҳида методларни танлаш талаблари ва мезонларига қаратилади.

Методларни қўллашда иштирокчиларнинг тажрибаси муваффақият қозонганидан сўнг, маданий жиҳатдан синовдан ўтган ва тарғиб қилинган методлар мажмуаси хамкорликлиқда ишлаб чиқилиши мумкин.

Мазкур модулда асосий эътибор катталар таълимининг таълим/курсларда қўлланиладиган методларга қаратиласган.

Режалаштириш, ташкиллаштириш ва таълим/курсини баҳолаш методлари бошқа модулда кенгроқ ёритилган (режалаштириш, ташкиллаштириш ва баҳолаш).

### Амалий қўллаш ва рефлексия

Модул методларга бағишланган бўлиб, иштирокчилар учун амалий қўнилмаларни амалиётга татбиқ этиш ва амалий машғулотлар жараёнида уларни такомиллаштириш учун яхши имкониятдир. Уларнинг таълим соҳасидаги хусусий тажрибаси ушбу босқичда кенг қўлланилиши мумкин, бу эса таҳлил ва такомиллаштириш усууларини бирлаштиради. Ролли ўйин яхши метод бўлиб, бошқа методларни амалий қўллаш учун насос бўлиб ҳисобланади. Бунда гуруҳнинг бир қисми курснинг иштирокчилари бўлган "оддий" мақсадли гуруҳ ролини ўйнаши мумкин ва амалда маълум бир методни қўллаши мумкин, кейин эса бир ёки бир нечта иштирокчилар гуруҳ билан барча жараён ҳақида ўз тажрибалари ва фикрларини баҳам кўришлари мумкин. Шу мавзу учун 2-3 методик ёндашувни тақдим этиш, шунингдек алоҳида методларни қўллашнинг афзалликлари ва қийинчиликларини ва уларни танлашнинг энг яхши меъзонларини таққослаш ва муҳокама қилиш мумкин.

### Тавсия қилинган ҳажм:

- 32 ўқув соати (~4кун)
- 32 соат якка таритбдаги дарслар ва баҳолар

Амалий қўллаш ва машқлар:

- ўзгарувчан (25 дан 120 соатгача), агар лозим топилса
- тавсия этилади: иштирокчилар кузатиш ва ҳамкаслар билан қайта алоқаларни ўрнатиш мақсадида камида Зта дарсни (75 соат) ни мустақил тайёрлайди ва таҳлил қиласди.

## 5-модул: Катталар таълим олишини режалаштириш, ташкил этиш ва баҳолаш

### Компетенция

*Curriculum globALE* дастури бўйича таълим олган мутахассислар катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида жараённи режалаштириш (шу жумладан ўқув дастурини ишлаб чиқиши), ташкил этиш ва баҳолаш босқичлари бир-бири билан қай тарзда боғлиқ эканлигини тушунади. Улар режалаштириш, ташкил этиш ва баҳолаш босқичларида зарур бўлган турли методлар бўйича билимларга эга ҳамда вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ушбу билимларни тўғри қўллай олади ва мазкур жараённи танқидий таҳлил қила олади<sup>19</sup>. Иштирокчиларнинг касбий фаолиятига келадиган бўлсак, улар ўз дастурларини мунтазам такомиллаштириши учун тўплланган тажрибадан фойдаланади.

### Curriculum globALE дастури бўйича таълим олган мутахассислар

- Катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг касбий фаолияти цикли босқичлари билан таниш ва улар бир-бири билан қай тарзда боғлиқ эканлигини тушунади;
  - таълим ва ўқиш эҳтиёжларини аниқлаш;
  - таълим дастурлари доирасида компетенцияни эгаллашга қаратилган таълим мақсадларини шакллантириш;
  - ўқитиш/таълим олиш жараёнларининг услубий-дидактик асосларини яратиш;
  - тегишли доирадаги шароитларни ҳисобга олган ҳолда дарсларни режалаштириш;
  - таълим жараёнини узлуксиз назорат қилиш, уни шаффоф ҳолда баҳолаш ҳамда зарурат туғилганда ушбу аснода дарс режасига қўшимчалар ва ўзгартиришларни киритиш;
  - натижаларни мустаҳкамлаш методлари ва воситаларини билади.
- турли метод ва воситалардан фойдаланиш маълумотига эга бўлади ва уларни танлаш ёки қўллаш бўйича танқидий таҳлил қила олади;
- фаолиятини узлуксиз такомиллаштириш учун олинган натижалар ва баҳолашга асосланган хулосалардан фойдаланади;
- сифатни таъминлаш асослари ва турли элементларни билади.

### Модуллараро боғлиқлик

Барча юқорида келтирилган модуллар сифатли таълим циклини яратиш учун асос сифатида хизмат қиласди. Чунки улар катталарни ўқитиш тамойиллари, босқичлари ва турларига асосланади (1 ва 2 модуллар), алоҳида босқичлар, айниқса 1 ва 2 босқичлар (эҳтиёжларни ва аниқлаш ва режалаштириш)ни ишлаб чиқишида назарий тамойилларни ҳисобга олиш муҳим ҳисобланади. 3 ва 4 босқичлар (ташкил этиш ва амалга ошириш) учун 3 ва 4 модуллар (коммуникация, гурухли динамика ва методлар) доирасида компетентлиликни чуқурроқ ўзлаштириш ўта муҳим ҳисобланади.

Сифатни таъминлаш масаласи катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг фаолият тамойилларига, маҳаллий ва миллий хусусиятларига, ҳамжамиятига, таълим муассасалари ва ҳамкор ташкилотларга бе-восита боғлиқ.

### Мавзулар

#### Катталарга таълим берувчи ўқитувчиларнинг касбий фаолияти цикли босқичлари

- катталар таълим олиши нуқтаи назаридан лойиҳавий ёндошув ва лойиҳавий цикли;
- 5-босқич: эҳтиёжларни аниқлаш, режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш ва баҳолаш;
- алоҳида босқичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳамда уларнинг натижалари.

#### Эҳтиёжларни аниқлаш

- Таълим/ўқиш/кўникмаларга бўлган эҳтиёжларни аниқлаш
- Шахсий эҳтиёжларни аниқлаш
- Ташкилот/муассасанинг эҳтиёжларини аниқлаш
- Ҳамжамиятнинг эҳтиёжларини аниқлаш

#### Режалаштириш

- Таълимга бўлган эҳтиёжларни таҳлил қилиш тамойиллари, таҳлилнинг энг муҳим воситаларини изоҳлаш

19. Амалга ошириш босқичи 4-модулда батафсил ёритилган (Катталар таълими методлари).

- Ўқув дастурини ишлаб чиқиш
- Компетенцияга йўналтирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш тамойиллари (натижага йўналтирилган концепцияларнинг, билимларни эгаллашга қаратилган концепциялардан фарқи)
  - Ўқув дастурини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланган фаолият йўналиши
- Таълим вазифаларини аниқлаш (таълим вазифаларини тизимлаштириш, SMART тизими ва ҳ.к.)
- Мақсадли гурухни таҳлил қилиш: менинг курсимда ким ва нима учун иштирок этмоқда? (ўзига хос хусусиятлар, кутишлар, мақсадли гурухнинг вазифалари)
- Гендер масалаларига эътибор қараттган ҳолда дарсларни режалаштириш,

### **Ташкил этиш**

- Шарт-шароитларни эътиборга олиш
  - Тегишли мақсадли гурухнинг ўзига хос хусусиятлари
  - Таълим олувчилар/мижозларнинг хоҳишлари
  - Кулай инфратузилма (вақт, жой, материаллар)
- Курс учун назорат саволларининг рўйхатини тузиш
- Дарс режасини тузиш (батафсил изоҳли методлар, дидактика, вақт ва чегаралар)
- Ресурслардан фойдаланиш (режалаштириш учун материаллар ва ускуналардан фойдаланиш)
- Кутилмаган вазиятлар учун режалаштришнинг муқобил сценарийлари
- Катталарга таълим берувчи ўқитувчиларни шахсан тайёрлаш (когнитив, интеллектуал, эмоционал, жисмоний даражаси)
- Иштирокчилар ва/ёки мижозлар учун дастур бўйича маълумот/тавсифни тайёрлаш
- Таълим дастури якунлангандан кейинги фаолият

### **Баҳолаш**

- Узлуксиз таълимда сифат концепцияси – атамаларнинг моҳияти, уларнинг изоҳи
- Сифатни таъминлаш элементлари (техник воситалар, дастурлар, ходимлар сифати), мезонлар ва кўрсаткичлар
- Баҳолаш сифатни таъминлаш асоси сифатида: тамойиллар, дастлабки шартлар ва салоҳият
- Баҳолаш бўйича аттестация
- Баҳолаш турлари
  - Бошланғич, жорий, оралиқ ва якуний
  - Микдорий ва сифатли
  - Ташқи, ички, ўз-ўзини баҳолаш
  - Машғулотни баҳолаш
- Баҳолаш босқичлари
- Баҳолаш методлари, шакллари ва воситалари
  - Тест, сўровнома, шкалалар, ёзма
  - Ўқиши кундалиги
  - Баланс ҳисботлари компетентлик портфолиоси
- Ҳисботлар
- Ўқиши жараёнини бошқариш учун баҳолаш натижаларидан фойдаланиш
- Кейинги назорат ва йўзаро тармоқли алоқа

### **Сифатни таъминлаш**

- Маълумотни узатиш, у билан ишлаш ва натижалар сифати
- Сифат даражалари: тизим, ташкилот/муассаса, курс ва ҳ.к.
- Стандартлар/кўрсаткичлар
- Амалдаги сифатни таъминлаш тизими.

### **Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати**

- Archer, David; Cottingham, Sara: Reflect Mother Manual, London, o.J.
- <http://www.reflect-action.org/sites/default/files/u5/Reflect%20Mother%20Manual%20-%202012.pdf>
- Bramley, Peter: Evaluating Training, London 2003
- Caffarella, Rosemary S.: Planning programs for adult learners. A practical guide for educators, trainers, and staff developers. 1. ed. San Francisco 1994

## Амалга ошириш бүйича изоҳ

Ушбу модул курс ўқитувчилари фаолияти учун зарур бўлган воситаларни ўзлаштиришга қаратилган. Шундай қилиб, катталар ўқиши дидактикаси талабларига мувофиқ бўлган эҳтиёжларни аниқлаш, дарсларни режалаштириш, ташкил этиш ва баҳолаш учун зарур воситалар билан танишиш мұхим аҳамият касб этади. Иштирокчиларнинг шахсий амалиётидаги тажрибасидан мазкур жараённинг бир қисми сифатида фойдаланилиши лозим. Катталар таълими доимо бошқа модуллар доирасида кўриб чиқилган назарий тамойиллар нуқтаи-назаридан алоҳида воситаларни танлаб олиш ва қўллаш жараёнларини амалга оширишни танқидий таҳлил қилиши лозим. Мазкур модул мавзу бўйича ахборот узатиш, касбий ахборот алмашинуви ва гурухларда мұхокама қилишни назарда тутивчи методларнинг уйғунлигини талаб этади. Иштирокчилар модул якуннда амалиётда танлаб олинган методларни қўллаш бўйича дастлабки тажрибага эга бўладилар, бу эса натижаларнинг барқарорлигини таъминлаб беради. Бундан ташқари, улар келгусида ўз ўқиши жараёнини режалаштириш, амалга ошириш ва баҳолаш учун базавий компетентлигини олиши лозим.

## Амалий қўллаш ва рефлексия

5 босқичдан иборат бўлган циклни ишлаб чиқиши санъатига ўқитишида иштирокчиларга кўмак бериш учун турли методлар қўлланилиши мумкин. Масалан, иштирокчиларни гурухларга бўлиш, уларга мавзу бериш ва ишнинг алоҳида босқичларини изоҳлаб, бутун циклни ишлаб чиқиши топшириғини бериш мумкин. Улар «сценариялар»ни тайёрлаши ва курсни олиб бориш учун «ҳақиқий» тайёргарлик кўриши мумкин. Гурух биргаликда турли таклифларни, алоҳида қарорлар, ғояларни таҳлил қилиши ҳамда амалга ошириш босқичигача қайта кўриб чиқилган тайёрлов режасини олиши мумкин. Шунингдек, амалга ошириш жараённинг айрим жиҳатларини имитация қилиши мумкин, бунда баҳолаш гурухларда мұхокама қилиш орқали олинган ҳақиқий натижаларга асосланади. Сифат масалалари ўқитувчиларнинг таълим бериш соҳасидаги ҳақиқий амалиёти билан боғлиқ бўлиши лозим.

### Тавсия этилаётган ҳажм

- 32 ўқув соатлари (~4 кун)
- 32 соат яккя тартибдаги дарс ва баҳолаш

Амалий қўллаш ва машқлар:

- Заруриятга кўра (25дан 120 соатгача)

## Факультатив модул(лар): Турли мавзу(лар)

### Компетенция

*Curriculum globALE* дастури бўйича таълим олган мутахассислар камида битта соҳа ёки катталарга таълим берувчиларни касбий фаолиятининг ўзига ҳос томони билан боғлиқ бўлган чукур ихтисосланган, фактуал ва назирий билимларга эга бўладилар. Улар ушбу соҳада профессионал ишлаши учун ёки бу жаҳатларни ўрганиш учун зарур бўлган кенг кўламли билим ва амалий кўникмаларга эгадирлар.

### Бошқа модуллар билан ўзаро алоқадорлиги

Танланган модул (лар) тингловчилар учун

- Муайян мавзудаги асосий модулларда олинган билим ва кўникмаларни (масалан, эҳтиёжларни баҳо-лаш, ўкув дастурларни ишлаб чиқиш, тингловчиларни турларига мувофиқ хилма-хил методлардан фойдаланиш) янада чуқурроқ ўрганиш;
- Асосий модулларда олиндан билим ва кўникмаларни муайян мазмунда (масалан, катталар саводхон-лиги дастурларида ўқитиш ва ўрганиш) янада ривожлантириш ва қўллаш;
- Касбий фаолиятига тегишли бўлган, аммо асосий модулларнинг қисми бўлмаган (масалан катталар таълимида бошқариш, катталар таълими соҳасининг манфаатларини илгари суриш) билим ва кўник-маларга эга бўлган билим ва кўникмаларга эришиш имкониятидир.

### Мавзу

Катталарга таълим берувчиларнинг касбий фаолиятига тегишли бўлган мазмунга мувофиқ барча мавзу-лар бўлиши мумкин.

### Амалга ошириш бўйича изоҳ

Формат ва дидактик ёндашув танланган мавзуга боғлиқ бўлганлиги учун ҳеч қандай умумий кўрсатмалар берилмайди. Бироқ, ҳар қандай холатда, *Curriculum globALE* ўкув дастурида таъкидланган умумий тамо-йиллар (tinglovchilariga йўналтирилган ва ҳаракатга йўналтирилган) факультатив модул(лар)ни ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олиниши керак.

### Тавсия этилаётган ҳажм

Факультатив модул(лар) ўкув СG дастурининг ажralmas қисмидир ва шунинг учун СGни тўлиқ амалга оши-риш жараёни доирасида ўтказиб юборилмаслиги керак. Бу айниқса сертификация қилиш тўғрисида гап кетганда мухимдир. Асосий модулларда бўлгани каби, олдинги олинган ўқиш натижаларини сертифи-кациялаш (RPL) учун хам қўлланилиши мумкин.

Факультатив модуллар (ёки бир неча факультатив модуллар) учун тавсия этилган ўкув юклама миқдори кўйидагича бўлиши мумкин:

- 64 соат: ўкув соатлари ( $\approx 8$  кун)
- 56 соат: якка тартиbdаги дарс ва баҳолаш

**50 соат:** амалий қўллаш ва машқлар

## **Катталарга таълим бериш Немис институти – Лейбниц (DIE) номидаги бутун умр таълим олиш Маркази**

федерал ҳукumat ёки федерал үлкалар томонидан молиялаштирилади. Институт катталарга таълим бериш ва уларни ўқитиш, дастурлар ва узлуксиз таълим муассасалари соҳасини, шунингдек умр бўйи таълим беришнинг сиёсий ва институционал контекстини тадқиқ қилади.

Катталарга таълим бериш Немис институтининг илмий-тадқиқот ишлари қатор фавқулодда муҳим ижтимоий масалаларни қамраб олган. Булар: Қандай қилиб узлуксиз таълим тизими фаолликни оширади ва ижтимоий тенгиззикни камайтиради? Узлуксиз таълим институтларининг ишини қандай қилиб педагогика нуқтаи-назаридан самарали ташкил этиш ва бошқариш мумкин? Қандай қилиб узлуксиз таълим дастурларини истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мослаштириш мумкин? Катталарга таълим бериш ва узлуксиз таълим соҳасида дарс бериш, ўқитиш ва маслаҳат бериш қандай кечади? Бизнинг илмий ишларимиз тадқиқотчилик фаолиятини қўллаб-кувватлаши ва енгиллаштириши мумкинми?

Катталарга таълим бериш Немис институти:

- амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш;
- тадқиқотлар учун билимнинг инфратузилмага трансферини таъминлаш;
- амалиётчилар учун инновацион концепцияни ишлаб чиқиш;
- манфаатдорларга миллий ва халқаро даражада узлуксиз таълим стратегияси бўйича маслаҳат бериш билан шугуllandанади.

Институтнинг тадқиқот ишлари ва унинг натижалари асосида қўрсатилаётган хизматлар узлуксиз таълимни ҳамда катталарга таълим бериш соҳасини назарий томондан ҳам, амалий ва стратегик томондан ҳам тараққиётини таъминлайди. Институт қўрсатилаётган хизматлар спектри икки бўлимда ишлаб чиқиласди: Илмий-тадқиқотлар ва амалий ишлар бўлими (FEZ) ҳамда Маълумотлар ва ахборотлар (DIZ). FEZ амалий, фундаментал ва тажриба тадқиқотларини ташкил этади. DIZ уларнинг амалга оширилишини, инфратузилмага жорий қилинишини ҳамда мақолалар ва маълумотлар базасини ташкил қилиш йўли билан билимлар трансферини амалга оширишни, шунингдек жамоатчилик билан алоқаларни қўллаб-кувватлашни таъминлайди.

Катталарга таълим бериш Немис институти узлуксиз таълим муассасалари ўртасидаги алоқаларни миллий ва халқаро даражада йўлга қўяди, шу боис у ушбу соҳада халқаро тартиб-қоидалар характеристидаги асосий референт ҳисобланади. Бу немисларнинг кўп босқичли мазмун-моҳиятга таянган узлуксиз таълим соҳаси олдидаги муҳим вазифаси ҳисобланади (қолаверса, халқаро даражада).

## **DVV International – Халқ университетлари Немис ассосиациясининг Халқаро ҳамкорлик институти**

DVV International 920га яқин халқ университетларининг ва уларнинг ўлка ассоциацияларининг манфаатларини ўзида ифода этади – Германиядаги катталарга таълим бериш соҳасидаги хизматларнинг йирик провайдери ҳисобланади.

Катталарга таълим бериш ва ривожлантириш соҳасида етакчи профессионал муассаса ҳисобланган DVV International умр бўйи таълим олишни оммалаштириш билан мана 45 йилдирки шуғулланиб келмоқда. Институт катталарга ва ёшларга таълим бериш хизматини қўрсатишнинг барқарор тузилмасини яратиш ва ривожлантиришни кенг қўллаб-кувватлаб келади.

DVV International маҳаллий жамоатчилик билан ҳамкорлик муносабатларини олиб боради. Шу мақсадда, институт Африка, Осиё, потин Америкаси ва Европанинг 30дан ортиқ мамлакатида фаолият олиб бораётган 200дан зиёд жамоатчилик ташкилотлари, ҳукumat ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиб келади. DVV International институтининг мамлакатларда ва минтақалардаги оғислари маҳаллий ва минтақавий ҳамокрликини йўлга қўйиб келмоқда ҳамда ҳамкор мамлакатларда сифатли ва самарали фаолиятни таъминлаб келаётir. Уларнинг фаолияти саводхонликни ошириш ва базавий таълим олишни, малакавий тайёргарликни, глобал ва маданиятлараро ўқитишни таъминлашга ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тарбиясига, барқарор тараққиёт, миграция ва интеграция, қочқинлар билан ишлаш, санитар билимларини ошириш, можароларни бартараф этиш ҳамда демократик қадриятларни шакллантиришга қаратилган.

DVV International ўз фаолиятини институционал маблағлар ҳамда хусусий донорлар ҳисобидан молиялаштиради. Катталарга таълим бериш миллий, минтақавий ва бутунжаҳон ассоциацияси билан биргаликда, DVV International инсоннинг таълим олиши ва ҳаёти давомида ўқишига бўлган ҳуқуқи ҳимоялашишига ва унинг тарафини олишни қўллаб-кувватлайди. Буларни амалга ошириш учун институт ўз фаолиятини БМТнинг минг йиллик ривожланиш мақсадларига (MDG), «Таълим барча учун» дастурига (EFA) ва ЮНЕСКОнинг катталар таълими бўйича бутунжаҳон конференцияси қарорлари (CONFINTEA)га қаратади. DVV International конференциялар, семинарлар ўтказиш ва мақолалар эълон қилиш орқали Европа ва халқаро маълумотлар ҳамда тажрибалар алмашинувини қўллаб-кувватлаб келади.

**Халқ университетлари Немис  
ассоциацияси халқаро ҳам-  
корлик институти**

**DVV International**

Обере Вильхельмштрассе 32  
53225 Бонн, Германия  
Федератив Республикаси  
Тел.: +49 (0) 228 97569-0  
Факс: +49 (0) 228 97569-55  
[info@dvv-international.by](mailto:info@dvv-international.by)  
[www.dvv-international.de](http://www.dvv-international.de)

**Катталарага таълим бериш  
Немис институти**  
**Лейбниц (DIE) номидаги бутун  
умр таълим олиш Маркази**

Хайнеманнштрассе 12-14  
53175 Бонн, Германия  
Федератив Республикаси  
Тел.: +49 (0) 228-3294-0  
Факс: +49 (0) 228-3294-399  
[info@die-bonn.de](mailto:info@die-bonn.de)  
[www.die-bonn.de](http://www.die-bonn.de)

**Қўшимча маълумотлар:**  
[www.curriculum-globale.de](http://www.curriculum-globale.de)



Homiy

